

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТГА БЎЛ ҚАНОТ

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи бугунги кундаги энг устувор вазифалардан ҳисобланади. Ана шу вазифани амалга оширишда Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинларининг алоҳида ўрни бор.

3 бет

НАФСИМ МЕНИНГ БАЛОДИР...

Машина анчагина йўл босгач, Сергей гап бошлади, — кўрдингми, бировни уриб, сўкмайсан. Уғрилик ҳам қилмайсан. Озгина каллани ишлатсанг бўлди, одамларнинг ўзи бойлигини кўш-қўллаб сенга тутқазади.

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2010-yil 27-may, №21 (698)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 3 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 7 майда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар) **57, 58, 59-моддаларидаги** "ОИТС (ортирилган иммунитет танқислиги синдроми)", "ОИТС-га", "ОИТС" ва "ОИТСни" деган сўзлар тегишсизча "ОИВ касаллиги / ОИТСни" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

1) **66-модданинг биринчи қисмидаги** "ОИТС касаллигини" деган сўзлар "ОИВ касаллиги / ОИТСни" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **113-модда:**
номи ва тўртинчи қисмининг диспозициясидаги "ОИТС касаллигини" деган сўзлар "ОИВ касаллиги / ОИТСни" деган сўзлар билан алмаштирилсин;
қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўдирилсин:
"Шахсининг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги / ОИТСни юқтириши — олти ойгача қамоқ ёки беш

/Давоми 3-бетда/

Илмий-амалий конференция

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида 2010 йил 26 май кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган "Болаларнинг гайриижтимоий ҳаракатларининг олдини олиш борасидаги долзарб вазифалар ва устувор йўналишлар" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда Ҳалқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирликлари, шунингдек, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларининг вакиллари, Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссияларнинг масъул котиблари, ҳуқуқшунос олимлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Маълумки, Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларида ёш авлоднинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ҳуқуқий манфаатларини ҳар томонлама қаролатлаш давлат фаолиятининг устувор йўналиши эканлиги белгиланган. Шу муносабат билан вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш асосий вазифалардан биридир.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Болалар ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияси, Ўзбекистон Конституцияси,

"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг болаликни муҳофаза қилиш, ўсмирларни ҳимоя қилиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва уларни рўбга чиқариш кафолатларининг мутасадди идоралар томонидан таъминланишига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Айниқса, вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси, ижтимоий ҳимояси, соғлигини сақлаш, иш билан таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш таъминини муостаҳкамлаш, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ёш авлод учун масъулиятини ошириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг сезиларли даражада камайиши кузатишмоқда.

Анжуманда, мутасадди идоралар томонидан "Баркамол авлод йили" Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал қилиш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва маънафини янада ошириш, вояга етмаганлар муҳитида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан шуғулланувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни муостаҳкамлаш зарурлиги таъкидланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини

Чинор бўлиб илдиэ отинг...

Ўзбекдай болажон, меҳридарё, ҳатто биронинг боласини-да ўз фарзандидай азиз биладиган халқ камдан-кам бўлса керак. Ўзбек боргани, пул топса биринчи бўлиб фарзандларига илинади. Уй қурай, тўй қилай, дейди. Уларни маърифатли, маънавиятли қилиб ўстириш пайида бўлади. Бу миллий менталитетимизнинг ўзига хос хусусиятига айланб улгурган. Қадимда фарзандларини устоз ҳузурига бошлаб борган ота-боболаримиз "эти сизники, суяги бизники", дейишар. Бу билан улар фарзандларини илм ўрганиш йўлидаги заҳматларга чидайди, демоқчи бўлишар. Биз ҳам болаликда, ярим ҳазирийим чин қилиб айтганидан бўлсак, етти ёшга ердан таёқ еганмиз, кейин катталардан. Болаликнинг

гўшаларида яланғоқ юрганмиз. Гоҳ йиллаганмиз, гоҳ кулганмиз. Кимдир мурғак қалбимизга озор ҳам берган, кимдир бошимизни силаган, ҳимоя қилган. Ана шу бошимизни силаган, ҳимоя қилган одам болаликнинг шууринда баммосил эртак қаҳрамонларидай энг кучли, энг ақли ва доно инсон сифатида гавдаланиб қолган.

Зеро, болаларни ҳимоя қилиш — энг эзу иш. Гарчи 1 июнни — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини сифатида нишонласак-да, аслида улар ҳар доим бизнинг ҳимоямизда. Президентимиз Ислам Каримов ўзининг "Ююк маънавият — энгилмас куч" асарида "Агар биз мамлакатимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғида бўлмасин, йилт этган истейлод учкунини кўрганда,

ҳаммамиз уни ўз вақтида пайқаб, ардоқлаб, парвона бўлиб, унга йўл очиб берсак, барча сайё-ҳаракат ва интилошларимизни, ана шундай олижаноб мақсадга қаратсак, мухтасар айтганда, ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашни ҳаётимиз қондасига айланттирсак, ҳеч шубҳасиз, биз миллий тараққиёт ботибидан янада юксак марраларни эгаллашга эриша оламиз", дея таъкидлаганлар. Юртбошимизнинг ёш авлод келажаги ҳақида қайгуриб айтган бу гапи ва истиқлол фарзандларининг ҳеч кимдан кам бўлмай, унинг-ўсинини таъминлаш йўлидаги юксак гамбуўликларни замирида беқийс мурувват, беминанат меҳр мужаасам.

/Давоми 4-бетда/

Давра суҳбати бўлиб ўтди

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-боби (Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш) мониторингини натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатини ўтказишдан қўзланган асосий мақсад мониторинг натижаларини атрафлича муҳокама қилиш, шунингдек, фуқаролик қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Бинобарин, ФКнинг 38-бобида белгиланган "хизмат" категорияси билан боғлиқ қондаларни халқаро стандартларга мос ҳолда кенгайтириш, мавжуд нормаларни қийсий таҳлил қилиш ҳамда мажур йўналишда фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд эди.

Тадбир иштирокчиларига мониторинг натижалари, суд идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари

ҳамда давлат бошқарув органлари, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларидан хизмат кўрсатиш соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича олинган тақлифлар, статистик таҳлиллар ҳусусида батафсил маълумотлар берилди.

Сузга чиққанлар мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солишинг ўзига хос жиҳатлари, тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирок этадиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини тартибга солишинг фуқаролик-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, хизматларнинг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш ҳамда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифларни билдиришди.

Мониторинг натижалари юзасидан ФКнинг 38-боби қондаларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар маъқулланди.

Ўтқиржон ДЕКХОНОВ,
"Нидо"

Барчамизнинг бурчимиз

С.НОРБУТАЕВ,

Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Сўнгги вақтларда Сирдарё вилояти ҳудудидаги дарё, канал ва бошқа сув давзаларида айрим фуқаролар томонидан қонунга зид усуллар билан балиқ овлаб, табиатга қайтариб бўлмас даражада зиён ётказиш ҳолатлари кўпайиб бораётганлиги кузатилаётганда. Бу тоифадаги қонунбузарликларни аниқлаш ва чек қўйиш борасида табиатни муҳофаза қилиш, ички ишлар ва бошқа назорат органлари томонидан қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўтказилаётган тадбирларда балиқлар асосан махсус кучайтириш аппаратига эга бўлган электр токи ёрдамида овланаётганлиги, бундай ўта хавфли усул эса нафақат балиқларнинг ўзига, балки сувдаги ҳайвонот дунёсининг нобуд қилинишига ҳам сабаб бўлаётганлиги маълум бўлмоқда.

Масалан, 2010 йил 30 апрель куни вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан

ҳамкорликда ўтказилган тадбирда Боёв тумани, 3-Боёв СФУ ҳудудида оқиб ўтувчи ўнг ирмоқ каналда 5 нафар фуқаро резина қайиқ ҳамда қўлбола электр мосламасидан фойдаланган ҳолда ноқонуний равишда балиқ овлаб, ҳайвонот дунёсига жиддий зарар етказётганлиги аниқланган.

"Қизил китоб"га киритилган "Туркистон усачи" ва бошқа балиқларни нобуд қилиб, қисқа муддат ичида табиатга 1 млн. 590 минг сўмдан ошқ зарар етказган қонунбузарларга нисбатан

Боёв тумани прокуратураси томонидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Ҳозирда мазкур жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиб, айбдорлар доирасини тўлиқ аниқлаш ва жиний жавобгарликка тортиш чоралари кўрилмоқда.

Афсуски, бунга ўхшаш миқдорларни бошқа ҳудудлар бўйича ҳам келтириб ўтиш мумкин, бу ўз навбатида бундай қонунбузарлик ҳолатларини олдини олиш ва чек қўйиш вазифаси юклатилган табиатни муҳофаза

қилиш, ички ишлар ва бошқа назорат идоралари томонидан келгусида мазкур йўналишда назоратни янада кучайтиришни талаб этади. Назорат идоралари томонидан ҳозирги кунда ана шундай қонунга зид фаолият билан шугулланаётган шахсларни тезкор йўллар билан аниқлаш ва уларнинг фаолиятига қатъий чек қўйиш мақсадида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва ижроси алоҳида назоратга олинган.

Шу ўринда қайд этиш керакки, кўпчилик фуқаролар томонидан мазкур қонунбузарлик

ҳолатларини содир этаётган шахсларга нисбатан бирон-бир муносабат билдирилмай келинаётганлиги ачинарли ҳолдир. Мазкур ҳолатларга қарши курашиш нафақат тегишли идоралар вазифаси, балки бевосита фуқароларнинг ҳам бурчи эканлигини эслатиш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида ҳар бир фуқаро табиатни, атроф-муҳитни асраб авайлаши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Шундай экан, фуқаролар табиатга қайтариб бўлмас даражада зарар етказётган шахслар ҳақида табиатни муҳофаза қилиш, ички ишлар бўлиmlари ва бошқа назорат органларини хабардор этиб борсалар, қўтилган натижаларга эришиш мумкин.

Бу борада вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасида 25-26-43, 25-48-09 рақамли ишонч телефонлари, шаҳар-туман ИИБларда "02" рақамли телефонлар доимий равишда ишлаб турибди.

Арзимаиди савдоси, жонга тегди ғавғоси

Низом эҳтиётсизлик оқибатида бировнинг машинасини туртди-ю балога қолди. Уша куни шаҳардан қайтаётганди. Қиш чилласи, йўллар сирпанчиқ, Светофорнинг қизил чироғи ёнганини кўриб, тўхтади. Аммо "Нексия"си сирпаниб, олдинда турган "Матиз"га урилди. "Матиз" ҳайдовчиси аёл киши экан. Иккаласи ҳам дарҳол уловдан тушиб, "разборка"га ўтишди. Катта йўл эмасми, тумонат одам йиғилди. Иза бўлган йигит аёл қандай шарт қўямасин, мурсога келиш учун рози бўлди.

— "Нексия"нгиз ва машина бошқарувида тегишли барча ҳужжатларингизни меникида қолдириб, "Матиз"ини устага олиб борасиз. Бўлмаса "ГАИ" қақирамиз!

— Опазон, айтганингиз бўлади, фақат қоғоз-қалам қилиб ўтирмайлик. Сиз дангалчи экансиз, мен ҳам олиб қочадиганлардан эмасман.

Гап "пишган"дек бўлди. Аммо аёл — Шоҳида-хон яна шарт қўйди:

— Машинамин тузатгандан сўнг, сотиб бераман, деб тилхат ёзиб беринг.

Низом тилхат ҳам ёзиб берди. Ингирма кун деганда "Матиз" гижинглаб, янги машинадек устахонадан чиқди. Барча харажатларини Низом кўтарди. Шоҳидахон "Нексия" билан ҳужжатларини қайтариб берди. Сўнгра ваъла қилганидек автобозорга чиқилди. Анча айланишди. Лекин аёл "Матиз"ини сотмайдиган бўлди.

— Менинг машинамдан йўқ экан.

Шу билан бу мавзуга чек қўйилгандек эди. Низом ҳам ўз юмушлари билан бўлиб кетди. Бироқ орадан беш ойча ўтгач, Шоҳидахон яна пайдо

Анвар АСАДОВ,
Бухоро туман прокурори ёрдамчиси,
Меҳринисо ХУСАИНОВА,
журналист

бўлиб, Низомнинг қўл телефонида кўнгирик қилди:

— Урилган машина билан янгисининг фарқи қанча бўлса, шунча берасиз!

Бу гал гап қовушмади. Бир куни Шоҳидахон йўл ёқасида Низомнинг машинасини кўриб қолди. Ҳайдовчи ўриндиғида Низомнинг жияни ўтирган экан.

— Ака Низом қани?
— Иш билан бир ёққа кетувдилар, — деди йигит.

Шоҳидахон индамай машина салонидан Низомнинг ҳайдовчилик гувоҳнома, оғоҳлантириш талони ва яна бир-икки ҳужжатларини олди, жиянга юзланди:

— Аканга айт, ҳужжатлари керак бўлса, мени топсин. Кимлигимни яхши билади.

Бу ҳам етмагандек, кўп ўтмай фуқаролик ишлари бўйича суддан Низомга қоғоз келди. Шоҳидахон бир миллион сўм зарарни ундириб бериш тўғрисида даъво аризаси берган экан. Суд даъвоини бекор қилди. Низом аёлнинг олдидан ўтишга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, ҳужжатларини қайтариб ололмади. Сабр-қосаси тўлгач, прокуратурага мурожаат қилди.

Шоҳидахон бировнинг ҳужжатларини яширигани учун жиний жавобгарликка тортилди.

Ўзбошимча ерсотарлар

Ер давлат мулки ҳисобланади. Унга эгалик қилишнинг ўз қонун-қондалари бор. Аммо баъзи фермерлар ўзларига тегишли бўлган ер майдонларини ўзининг мулки ҳисоблаб, уй-жой қуриш учун одамларга ўзбошимчачилик билан, ҳеч бир ҳужжатсиз сотган ҳолларга ҳам дуч келямиз.

Пастдаргом тумани "Санчиқул" ҚФЙга қарашли "Хончарбоғ" қишлоғида яшовчи Умиркул Нармуратов собиқ "Жом" фермер ҳўжалиги раиси вазифасида ишлаган. У 2008 йилнинг куз фаслида ҳамқишлоғи Б.Абдурахимовга фермер ҳўжалиги ҳисобинда турган ер майдонидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,20 га ер участкаси ўлчаб берган. Шунингдек, фермер ҳўжалиги раиси ер участкаси учун ту-

Шомирза ХУДОЙКУЛОВ,
Пастдаргом туман прокурори,
С.НАБИЕВ, журналист

ман ҳокимнинг қарорини чиқариб беришни ваъда қилиб, ундан 700.000 сўм олган.

Шундан сўнг, у ҳеч қандай сўрамасдан, ўзбошимчачилик билан фермер ҳўжалигига тегишли бўлган ердан қишлоқдошларига сота бошлаган. У Нармуратов ҳамқишлоқлари Ш.Майиновга 0,30 га ерни, Ш.Холияровга 0,50 га ерни ва Б.Шоназаровга 0,50 га ерни ўлчаб бериб, уларнинг ҳар биридан 2.000.000 сўмдан олган.

Худди шундай ўзбошимчачиликка "Санчиқул" ҚФЙга қарашли "Хўжа" қишлоғида яшовчи Абдиқодир Абдиев ҳам қўл ур-

ган. У "Саттор бобо" фермер ҳўжалиги раиси вазифасида ишлаб келиб, 2006 йилда ҳамқишлоқлари Файрат Нодиров ва Бунёд Ҳамроевларни алдаб, уларнинг ҳар бирига фермер ҳўжалиги ҳисобинда бўлган ер майдонидан уй-жой қуриш учун ер участкалари ўлчаб берган. Бу фермер ҳам ер участкаси учун туман ҳокимлигининг қарорини чиқариб беришни ваъда қилиб, Ф.Нодировдан 600.000 сўм, Б.Ҳамроевдан эса 1.800.000 сўм олиб, пуллари ўзининг эҳтиёжига ишлатиб юборган.

Туманнинг "Анҳор" ҚФЙга қарашли "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Рустам Мардиев эса "Ойтамхол 1" фермер ҳўжалиги ихтиёрида бўлган ер майдонидан 0,02 га ерни ноқонуний равишда эгаллаб олиб, ушбу ер участкасига уй қуриб олган.

Ўзбошимча фермерлар қонун олдида жавоб беришди.

Семинар йиғилиши

Навоий вилоят прокуратураси ташаббуси билан 2010 йил 22 май куни вилоят прокуратураси мажлислар залида туман ва шаҳар прокурорлари, уларнинг ёрдамчилари ҳамда вилоят прокуратураси маҳкамаси тезкор ходимлари иштирокида "Назорат қилувчи органларда текшириш ўтказиш тартиби ва унинг айрим хусусиятлари" мавзусида семинар йиғилиши ўтказилди.

Семинар йиғилишига Бош прокуратура бошқарма катта прокурори Ю.Шакирова таклиф қилинди.

Семинар йиғилиши назорат қилувчи органларда текшириш ўтказишнинг тартиби ва методикаси бўйича қизиқарли савол-жавоблар асосида ўтди.

Ашраф ЖўРАЕВ,

Навоий вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Ҳуқуқлари тикланди

Вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олтинсой туманида яшовчи фуқаро У.Худойкулов ва бошқаларнинг аризаси юзасидан ўтказилган текширишда "Алпомиш-Мироб" сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан 2010 йилнинг 1 апрель ҳолатига 621 минг сўмлик муддати ўтган дебитор қарадорликни ундириб олиш чоралари кўрилмаганлиги, мироблар У.Худойкуловга 972,4 минг, Қ.Норқобиловга 857,3 минг, Х.Аллановга 754,0 минг сўм, улардан ташқари, яна 12 нафар хизматчига 7 млн. 296 минг сўмлик иш ҳақи тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Прокуратуранинг аралашуви билан ариза муаллифларига 300 минг сўм нақд пул ва 600 минг сўмлик бугдой натура тарзида тўлатириб берилди. 15 нафар ходимга тўланмай қолган 9 млн. 679,7 минг сўмни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Дево-н туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Ходимларнинг иш ҳақларини ўз вақтида тўламаганликлари ҳамда муддати ўтган дебитор қарадорликни ундириш чораларини кўрмаганликлари учун "Алпомиш-Мироб" СИУ раиси Б.Абравев ва бош ҳисобчи С.Холиқовларга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддалари билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Хушмамат БЕКМУРАТОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Шунингдек, Узун тумани, Б.Омонов номи сув истеъмолчилари уюшмасида яшовчи фуқаролар М.Жумаева ва бошқаларнинг аризаси юзасидан ўтказилган текширишда, 2010 йилнинг 1 май ҳолатига собиқ Б.Омонов номи ширкат ҳўжалигини тугатиш комиссиясининг ОАТБ "Агробанк" Узун филиалида очилган жамғарилувчи ҳисоб рақамини мулклар сотилишидан келиб тушган 10 млн. 806,4 минг сўм пул маблағи мавжудлиги, бироқ 426 нафар пайчиларга 6 млн. 702,1 минг сўмлик пай улушлари тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан ширкат ҳўжалигини тугатиш комиссияси раиси Ш.Тўраев ва бош ҳисобчи Н.Мирзаевларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, ижро қилиш учун туман ДСИга юборилди.

Ариза муаллифлари М.Жумаева, Қ.Бекова ва Х.Назароваларга 66 минг сўмлик пай улушлари ҳамда қолган 423 нафар пайчиларга тегишли бўлган 6 млн. 635,2 минг сўмлик пай улушлари уларнинг улушларидан келиб чиқиб, тугатиш комиссияси ҳисоб рақамини мавжуд бўлган маблағлардан тўлаб берилиши таъминланди. 426 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган "Одамнинг иммунитет таъқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги 816-1-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 213-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 3, 4, 5, 6, 9, 10, 11 ва 12-моддаларнинг ўзбекча матнидаги "ОИТС/ОИВ касаллиги", "ОИТС/ОИВ касаллигининг", "ОИТС/ОИВ касаллигини", "ОИТС/ОИВ касаллигига", "ОИТС/ОИВ" деган сўзлар тегишнча "ОИВ касаллиги/ ОИТС", "ОИВ касаллиги / ОИТСнинг", "ОИВ касаллиги/ОИТСни", "ОИВ касаллиги/ОИТСга", "ОИВ касаллиги/ОИТС" деган

сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 7 ва 8-моддалар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"7-модда. ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтирганик учун жавобгарлик

Била туриб бошқа шахсни ОИВ касаллиги /ОИТС-ни юқтириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш, шунингдек шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

8-модда. ОИВ касаллиги/ОИТС юққан шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида ОИВ касаллиги/ОИТС юққан шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Зарар ўрнининг қопланиши айбдор шахсларни қонунда мувофиқ жавобгарликдан озод этмайди.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2010 йил 24 май № УРК-248

Бугун Андижонда "Универсиада — 2010" спорт ўйинларига старт берилди

Баркамол авлод — юртга бўл қанот

Ёшлик — инсон умрининг энг шиоатли фасли. Келажакни ўйлаган ҳар бир инсон бу даврда ўқиб-ўрганишга, бирор-бир касб ёки ҳунарнинг этагидан тутишга ҳаракат қилади.

Айтиш жоизки, бугун юртимиз аҳолисининг қарийб яримдан кўпрогини ташкил этаётган ёш авлоднинг мана шундай эзгу мақсадларини рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу эса, ўз навбатида, уларни мамлакатимизнинг эртанги кунини, тараққиётини йўлида меҳнат қилишлари, ўз иқтидор ва ма-

учун астойдил тайёрларлик кўрилади.

Андижон Давлат университети ушбу спорт байрамнинг асосий меҳмони саналади. Таълим даргоҳида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободончилик тадбирлари олиб борилди. Жумладан, ўғил болалар ўртасидаги баскетбол мусобақаларини ташкил этиш режалаштирилган спорт зали "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ҳомийлигида реконструкция қилинди. 400 ўринли 1-талабалар турар жойи республика бюджетини, 610 ўринли 2-тала-

сузиш турлари Андижон шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежи базасида ўтказилди. Бунинг учун коллеждаги спорт иншоотларида қандай ишлар амалга оширилгани ҳуусида коллежининг спорт ишлари мутахассиси Алишер Каримов шундай дейди:

— Манеж майдонидаги сунъий қоплама жиҳозлари янгиланди. Манеж пештоқига электр табло ўрнатилди. Ёпиқ сув ҳавзасида спортчилар ва ҳакамлар учун кийиниш хоналари, тиббиёт ҳодимлари учун махсус хоналар ажратилди ва тўла таъмирланди. Сув ҳавзаси учун мўлжалланган 9 та янги йўлакча ва 40 донна пластмасса ўриндиқлар келтирилди ва ўрнатилди. 20 минг томошабинга мўлжалланган "Соғлом авлод" стадионидаги пластмасса ўриндиқларини синган қисмлари янги сизга алмаштирилди. Майдон ёнидаги енгил атлетикачилар машғулот ҳамда мусобақалар ўтказадиган йўлакчалар жиҳозланди, белгилаб қўйилди. Енгил атлетикага мўлжалланган янги жиҳозлар келтирилди.

Маълумки мамлакатимизда сузиш бўйича ўтказиладиган барча мусобақаларда вилоятимиз вакиллари пешқадамлар қаторидан ўрин олиб келган. Андижондаги олий ўқув юртида ўқийдиган ёшлардан 18 нафари Тошкентдаги "Талабалар шаҳарчаси" сузиш ҳавзасида "Универсиада-2010" спорт ўйинлари финал босқичига қизин ҳозирлик кўрмоқда. Биз жамоа мураббийи Никита Викторевич Арсенев билан тайёрларлик ҳуусида суҳбатлашдик.

— Тайёрларлик учун бу ерда барча шароитлар муҳайё, — деди у. — Андижон Давлат тиллар педагогика институти талабаси Алия Гизатулина, Андижон муҳандислик иқтисодиёт институтидан Элина Ляхова, Феруза Малраҳимова, АДУ талабалари Дмитрий Федотов, Шоҳрух Юнусов, Дийр Абдумўминов, Собит Амилов, Егор Мусалов, Бекзод Жўрабеков каби иқтидорли ёшлардан умидимиз катта.

"Универсиада-2010" дастуридаги барча спорт турлари каби футбол мусобақаларининг юкск савияда ўтиши учун ҳам қулай шароитлар яратилган. Мусобақалар Андижон футбол академиясининг янги қурилган спорт мажмуасида ва "Наврўз" марказий ўйингоҳида бўлиб ўтади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, объектлар замон

Махлураҳон ОРТИҚОВА,
журналист

талаби даражасида.

Барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келадиган футболчи талабаларни кутиб олиш, жойлаштириш, овқатлантириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун барча чора-тадбирлар кўрилган. Футбол бўйича бахслашадиган талабалар АДУ ва Андижон Давлат тиббиёт институтининг ётоқхоналарига жойлашадилар.

Мусобақанинг тантанали очилиши ва ёпилиш маросимини "Соғлом авлод" стадионида ўтказиш режалаштирилган. Мамлакатимизнинг етакчи мутахассислари, санъат намояндалари ушбу талбирларни юкск савияда ташкил этиш мақсадида олти минг нафар талаба иштирокида тайёрларлик ишларини олиб бормоқда. Улар иштирокида қизқарлик дастурлар тайёрланяпти.

— "Универсиада-2010" спорт ўйинлари дастуридаги енгил атлетика мусобақаларида қатнашман, — дейди Андижон Давлат университетининг жисмоний маданият факультети талабаси Элёр Давлатов. — Бир йил давомида бахсларга пухта ҳозирлик кўрдик. Насиб этса, юқори ўринларни қўлга киритиб, вилоятимиз ша-



буот маркази ташкил этилганлиги ҳам диққатга сазовор. У Олимпия заҳиралари спорт коллежи биносиде жойлашган. Марказга республика ва Андижон вилоти оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, етакчи журналистлари ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари мутахассислари жалб қилинди.

Матбуот маркази учун ажратилган залга битта сервер ва 8 та компьютер ўрнатилди. Шунингдек, ксерокс, факс, шаҳар ва шаҳарлараро телефон алоқалари, телевизор ва DVD плеерлар билан таъминланди.

Спорт мусобақалари бўйича жамланган ахборотларни тезкор ёритиш учун "Универсиада" веб сайти яратилди. Уйинлар ҳақидаги энг сўнгги хабарлар билан танишмоқчи бўлганлар www.universiada2010.uz сайтга киришлари керак.



ҳоратларини намойиш этишларида улкан имкониятлар эшигини очмоқда.

Дарҳақиқат, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи бугунги кундаги энг устувор вазифалардан ҳисобланади. Ана шу вазифани амалга оширишда Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинларининг алоҳида ўрни бор.

Йилдан-йилга нуфузи ва салоҳияти ортиб бораётган мажмур мусобақаларга тайёрларлик жараёнида жойларда кўркам спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари ва бошқа маданий-маиший иншоотлар барпо этилмоқда.


Бундан етти йил аввал Андижонда "Баркамол авлод" спорт мусобақалари бўлиб ўтган эди. Ушанда Андижон шаҳрида барча имкониятларга эга Олимпия заҳиралари спорт коллежи, 20 минг томошабинга мўлжалланган замонавий "Соғлом авлод" стадиони қурилганди.

Бу гал эса шаҳримиз "Универсиада-2010" ўйинларига меҳмонлик қилади. Вилоятда ана шу муҳим тадбирни, ёшлик ва гўзаллик байрамини муносиб ўтказиш

балар турар жойи эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳисобидан капитал таъмирланди ҳамда 630 млн. сўмлик зарур жиҳозлар билан таъминланиб, бугунги кун талабига мос ҳолга келтирилди. Шунингдек, университетнинг 300 ўринли 1-охионасида "Ўзбекнефтогаз" миллий ҳолдинг компаниясининг ҳомийлик маблағлари эвазига мукамал таъмирлаш ишлари, 200 ўринли 2-охионасида эса Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги маблағлари ҳисобидан 260 млн. сўмлик реконструкция ишлари олиб борилди.

— "Универсиада-2010" спорт ўйинлари финал босқичида қатнашиш учун, — дейди Андижон Давлат университети ректори, профессор Толибжон Маъмуров, — мамлакатимиз олий ўқув юртиларидан ташриф буюрадиган 1778 нафар талабанинг 898 нафари университетимиз ётоқхоналарига жойлашадилар. Мусобақалардан сўнг уларнинг дам олишлари, вақтларини мазмунли ўтказишлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча имкониятлар яратиб берилди.

Мусобақа дастуридан ўрин олган енгил атлетика, қўл тўпи,



рафини муносиб ҳимоя қиламиз. Айни пайтда олтин медал учун даъвогарлик қилаётган Элёр мураббийи Рузи Иброҳимов раҳбарлигида тайёрларлик кўрмоқда. Жамоа таркибида у билан бирга Ирина Мороз, Дилёр Ўқтамов, Бекзод Сотқулов сингари кучли ҳамда номдор спортчилар ҳам бор.

Мажмур спорт мусобақаларининг финал босқичи ўйинларини тезкор ва ўз вақтида ёритишни таъминлаш мақсадида мат-

Мусобақалар ўтказиладиган барча спорт заллари, стадионлар, сузиш ҳавзалари, теннис кортлари билан мунтазам алоқалар йўлга қўйилган.

"Универсиада-2010" спорт мусобақаларини ёритиш учун Андижонга юзлаб журналистларнинг келиши кутилмоқда. Айни пайтда уларнинг фаолият юритишлари ва ахборотларни тезкор узатишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Чинор бўлиб илдиз отинг...

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Норбўта ҲОЗИЕВ,
журналист

Мамлакатимизда ҳам Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан тантанали тадбирлар, байрамона кечалар уюштирилади, гўдакларга турфа совға-ю ҳадялар улашиб, шу куни улар ҳар қачонгидан кўпроқ ва ортиқроқ даражада меҳру муруватдан баҳраманд бўладилар. Тақдир тақозаси билан ота-она меҳридан бенасиб қолган норасидалар ҳолидан хабар олиниб, саховатпеша инсонлар уларга ҳиммат кўрсатишади. Зотан, бугунги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам юртимиздаги ҳар бир фарзанд чинакам болалик гаштини суриб, яқинлари меҳридан куч олиб улгайсин, эзгу ҳислар огушида камол топсин.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури" ёш авлод таълим-тарбияси масаласи умуммамлакат ва умумхалқ ишининг ажралмас қисми эканлигини исбот этаётди. Дастур мактаб таълими тизимини тубдан янгилашни, замон талабига мос ўқув-моддий базаси ва таълим стандартларини шакллантиришни, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда таъминлаш даражасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида барча болаларнинг таълим олишлари учун тенг шароит яратишни кўзда тутди.

Зеро, ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси, унинг маънавий камолоти тўғрисида гамхўрлик ҳар қандай давлатнинг, ҳар бир миллатнинг келажагини белгилайди. Чунки бугунги илм-фанни, адабиёт ва санъатни кунт билан эгаллаб, барча соҳаларда ўзи-

нинг иқтисодори ва интеллектуал салоҳиятини намоён қилаётган ёшлар эртага мамлакат тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Дастурда болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, соғлигини муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болалар спортини ривожлантириш, спорт мажмуаларини замонавий шартанжомлари билан таъминлаш масалаларига катта эътибор берилган.

Негаки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб соғлом авлод тарбияси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар давлатимиз ижтимоий сийосатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Инсон ҳаётининг асл маъноси — ўзидан қобил фарзандлар қолдириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш экан, жамият, миллат олдида бундан-да масъулиятли вазифа бўлиши мумкин эмас.

Бундан англашиладики, болаликни муҳофаза қилиш, фарзандлар тарбияси — бу йилда бир марта нишонланган байрам тадбирлари билан ҳам бўладиган муаммо эмас, бу иш билан жамиятнинг ҳамма инсти-тутлари, ҳар бир фуқаро ҳамisha ва ҳар доим шугулланмоғи лозим. Шунда истиқлол фарзандлари — бизнинг умид ниҳолларимиз, шоир айтганидек, чинор бўлиб илдиз отиб, қоя бўлиб қад тиклайдилар.

Ёшлар гиёҳвандлик ва терроризмга қарши

Асака шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва "Камолот" ЁИҲ бўлими ҳамкорлигида ўтказилган таабир ана шундай шир остига ўтди.

Баходиржон САИДКАМЛОВ,
Асака шаҳар прокурори ёрдамчиси

Бугунги кунда ёшларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга салоқат руҳида тарбиялаш масаласи энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айниқса, жаҳондаги ҳозирги мураккаб ва таҳлилкали пайтда миллий ўзлгимиз, азалий қадриятимизга ёт бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган гаразли интиқиллар тобора кучайиб бораётганиги сабабли барчани янада ҳушёрлик ва огоҳликка давъат этиши табиийдир.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан қириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан асраш масалаларига алоҳида эътибор берган ҳолда 11-17 май кунлари Асака шаҳрида анъанавий бадий-спорт фестивали бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги умумтаълим мактаби ўқувчилари, академик лицей, касб-ҳунар коллежи талабалари ўртасида иншолаб кўриги, расм танлови, шахмат-шашка, футбол, волейбол, кросс-югуриш каби мусобақалар бўлиб ўтди. Марҳум полковник Б.Ҳошимов хотирасига бағишланган бокс бўйича Республика биринчилиги учрашувларида юртимизнинг турли вилоятларидан келган ёш спортчилар ўзаро беллашиб, голиблар муносиб тақдирландилар.

18 май кунда фестивалнинг ёпилиш маросимида шаҳар прокуратураси ва ички ишлар бўлими ташаббуси билан ташкил этилган "Посбон" спорт клуби, полковлар ва ички ишлар бўлими махсус отрядининг кўргазмали чиқишлари барчага манзур бўлди. Фестивалнинг ёпилиш маросими якунида голиблар ва фаол иштирокчилар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Тақдирлаш маросимида вилоят прокурори Б.Деҳқонов ва вилоят ИИБ бошлиғи Б.Сиддиқовлар иштирок этиб, голибларга совғаларни топширдилар.

Шунингдек, фестивалда Республика ўзбек жанг санъати Федерацияси президенти Пулат Усмонов иштирок этиб, "Посбон" спорт клуби аъзолари ҳамда шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари томонидан нўратилган жанг санъати ва тайёргарликларига юксак баҳо берди.

Бундай тадбирлар ўтказилиши Асака шаҳрида анъанага айланиб бормоқда.

Болалар ҳамда ёшларнинг соғлиғини сақлашга оид

Маълумки, Ўзбекистонда ёшлар соғлиғини сақлашга оид ислохотлар давлат сийосатининг муҳим қисми сифатида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ёш авлоднинг соғлиғини сақлаш, шунингдек, профилактик ишларни амалга ошириш орқали вужудга келиши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олишга қаратилган. Бу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, соҳага оид ислохотларнинг давлат сийосатида алоҳида аҳмиyatига эга эканлигини давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мустақиллик даврида йилларнинг рамзий номланиши ва шу йилга белги-ланган давлат дастурлари ҳамда уларнинг ижросидан ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, 2000 йил "Соғлом авлод йили", 2001 йил "Она ва бола йили", 2004 йил "Сиҳат-саломатлик йили", 2005 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", 2006 йил "Меҳр-муруват йили", 2008 йил эса "Ёшлар йили" деб эълон қилинди. Жорий йил эса "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинди. Ушбу йиллардаги давлат сийосатининг асосий йўналишларини белгилашга қаратилган давлат дастурларида марказий ўринни оналик ва болалик, оила, ёш авлод ва болаларнинг соғлом турмуш тарзи, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш каби масалалар эгаллаган.

Бундан кўра, болаларнинг соғлиғини сақлаш билан боғлиқ масалалар давлат сийосатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Инсон ҳаётининг асл маъноси — ўзидан қобил фарзандлар қолдириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш экан, жамият, миллат олдида бундан-да масъулиятли вазифа бўлиши мумкин эмас. Бундан англашиладики, болаликни муҳофаза қилиш, фарзандлар тарбияси — бу йилда бир марта нишонланган байрам тадбирлари билан ҳам бўладиган муаммо эмас, бу иш билан жамиятнинг ҳамма инсти-тутлари, ҳар бир фуқаро ҳамisha ва ҳар доим шугулланмоғи лозим. Шунда истиқлол фарзандлари — бизнинг умид ниҳолларимиз, шоир айтганидек, чинор бўлиб илдиз отиб, қоя бўлиб қад тиклайдилар.

Бўлса, биз учун бебаҳо бойлик бўлган инсон саломатлигини асраш, оналик ва болалик муҳофазаси, соғлом авлод тарбияси, тиббий муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш билан боғлиқ бўлиб, бу борала ҳам анча ишлар қилинди-деган эди. Бундан ташқари, давлат раҳбари томонидан ўтган йилда қишлоқ туманлари марказий шифоналарининг умумий қиймати 13 миллион АҚШ доллари миқдорига тиббий анжомлар, 44 та "УАЗ" ва 280 та "Дамас" тез ёрдам машинаси билан таъминлангани, қишлоқ врачлик пунктларига тиббий лаборатория анжомлари етказиб берилганиги айтиб ўтилади. Энг муҳими, 2009 йил давомида 22 минг нафардан зиёд ҳомилдор аёл махсус скрининг текширувидан ўтказилгани, 400 минг нафар бемор шифоналарда даволаниб, ўз саломатлигини мустаҳкамлагани эътиборга лойиқ ҳолдир.



Мустақиллик йилларида болалар ва ёшларнинг соғлиғини сақлаш борасида амалга оширилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқичда (1991-2000 йиллар) асосан ушбу соҳани ҳуқуқий ва ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлаш ишлари амалга оширилди. Ушбу даврда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сийосатининг асослари тўғрисида"ги, "Фуқаро-лар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги, "Дори воситалари ва фарма-

цевтика фаолияти тўғрисида"ги, "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 ноябрдаги "Болаларни вакциналар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Кўриб ўтилганидек, ушбу давр ўзига хос ташкилий, яъни республикада соғлиқни сақлаш, айниқса болаларнинг соғлиғи ва уларнинг касалликлари профилактикаси билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш даври бўлган, десак адашмаймиз.

Иккинчи босқичда (2001 йилдан ҳозиргача) эса соғлиқни сақлаш масаласи давлат сийосатининг энг марказий ўринларидан бирига бўлганлигини эътироф этиш мумкин. Шу билан бирга бу даврда ҳам шу соҳага оид бир қатор меъриёвий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Энг асосийси, юқорида айтиб ўтилган рамзий йилларнинг барчаси ушбу даврга тўғри келади. Демак, энг катта эътибор халқнинг, миллатнинг, ёшларнинг соғлиғига, оналик ва болалик, ижтимоий фаровон турмуш шароитига қаратилган.



Ҳамкорликдаги муҳим вазифа

Б. ИРМАТОВ,
Бош прокуратуранинг ОУК тингловчиси

Воёга етмаганларнинг тарбияси барча фуқароларнинг, давлат ва жамоат ташкилотларининг муҳим конституциявий мажбурияти ҳисобланади. Республикаимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ёшларнинг маънавий-маърифий, сиёсий-ғоявий тарбияси, меҳнат, дам олиш, ўқиш, билим олишга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш масалаларини замон талаблари даражасида ҳал этишни ҳам назарда тутди.

Ҳозирги кунда ёшлар тарбиясига эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайгани табиий ҳол. Айтиш мумкин, бу масалаларни ҳал қилишда прокуратура фаолиятининг аҳамияти каттадир.

Қонун билан белгиланган ваколатларидан фойдаланиб, воёга етмаганларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш прокуратуранинг вазифаси ҳисобланади. Шунингдек, воёга етмаганларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ва улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишда ҳокимликлар таркибидagi воёга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи комиссиялар ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу комиссия ота-онасиз қолган ёки ота-онаси ўз мажбурияти ҳамда бурчларини бажармаётган болаларни, воёга етмаганларни, шунингдек, ишга жойлаштириш, ўқишга муҳтож ва имконияти йўқ воёга етмаганларни, ижтимоий ёрдамнинг бошқача кўринишларида муҳтож воёга етмаган-

ларни қидириб топади ва уларни рўйхатга олади.

Рўйхатга олинган воёга етмаганларни тегишлича ишга жойлаштириш, даволаш, тарбия, ўқув муассасаларига жойлаштириш ҳамда уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш учун мазкур комиссия масъулдир. Комиссия, шунингдек, тарбиявий ва маъмурий чора кўрилган ёки озоликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жавобгарликка тортилган шахслар, воёга етмаганлар устидан назорат олиб боради. Бу ишларнинг изчиллигини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Ҳокимликлар ҳузуридagi воёга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи комиссия қарорларининг қонунийлигини прокуратура органлари томонидан назорат қилинади. Прокурор ўз ваколатлари доирасида воёга етмаган шахсга ёки унинг ота-онасига нисбатан чиқарилган маъмурий ёки бошқа чораларни қўллаш ҳақидаги қарорнинг қонунийлигини текширади.

Прокурорнинг вазифасига фақатгина комиссия фаолиятини текшириш ва назорат қилишгина эмас, балки комиссия қарорлари ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш юзасидан уларнинг фаолиятига амалий ҳуқуқий ёрдам бериш ҳам кирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июнь кунги "Воёга етмаганлар ҳақида қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 27-сонли буйруғида ҳокимликлар ҳузуридagi воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил "Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги 360-сонли Қарорининг ижроси ҳар чоракда камидан бир маротаба текширилиши, шунингдек, текширишларда мазкур қарор билан комиссияларга юклатилган асосий вазифаларнинг бажарилишига, авваламбор во-

ёга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўрталарида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги ишларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Комиссиялар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини ўз вақтида ўрганиб бориш, ноқонуний қарорлар устидан протест келтириш ваколатидан самарали фойдаланиш прокурорнинг вазифаларидан саналади.

Прокурор назоратни амалга ошириш чоғида воёга етмаган шахсга ёки унинг ота-онасига солинган жариманинг қонунийлигини текширади. Бунда у ҳар қандай гайриқонуний қабул қилинган жарима солиш тўғрисидаги қарорни устидан протест келтиради.

Прокурор мазкур йўналишда назоратни амалга оширади экан, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасида назарда тутилган ваколатлардан фойдаланиши, воёга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида уларни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишни кўрсатган ҳолда тегишли орган, мансабдор шахсга тақдирнома киритиши ёки бошқа прокурорлик таъсир ҳужжатларини қўллаши лозим.

Воёга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг муҳим соҳаси бу ички ишлар органларидаги воёга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи инспекция фаолиятидир.

Халқ таълими, ўсириллар меҳнати тўғрисидаги қонунлар ижроси, уларнинг ўқиш, иш ва яшаш жойларидаги тарбиявий ишлар аҳволи мунтазам равишда текширилади. Ўқиниш ва фойдала меҳнатдан бош торган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фойдали машғулотлар билан бандлиги масалалари билан шугулланган идоралар фаолияти устидан назорат олиб бориш-

га алоҳида эътибор қаратилади. Воёга етмаганларни ўқитишдан асосий четлатиш ҳоллари бартараф этилиши назорат тутулади.

Бундан ташқари, болалар уйлари ва мактаб интернатлари қарамоғида бўлган, ота-онасиз қолган воёга етмаганларни ўқитиш, тарбиялаш ва яшаш шартлоғлари билан боғлиқ қонунларнинг ижроси устидан ўрнатилган назоратнинг самарадорлиги текширилиши керак.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож ва етим болаларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш, назоратсиз қолишларининг олдини олишга қаратилган амалий чоралар кўрилиши лозим. Ушбу ишлар болалар ва маҳалла жамғармалари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилишига эътибор берилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўсирилларни ҳарбий хизматга қақиринга қалар тайёрлаш ишларига оид умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонун талаблари бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилиши ҳам таъминлаш керак бўлади.

Қаровсиз қолган воёга етмаган шахсларни қабул қилиш ва тарқатишда қонунбузарликка йўл қўймастик чораларни кўриши керак. Ўзбекистон шартномида турли хил кийим-кечак, саноят моллари, деҳқон бозорларида республикамизнинг турли жойларидан келиб қолган ва мактабда ўқиш ўрнига оилага моддий ёрдам кўрсатиш учун меҳнатга ёлланаётган воёга етмаган шахсларни назардан четда қолдирмаслиги зарур. Айниқса, туман прокурорлари бошқа вилоятлардан бозорларга келиб қолган воёга етмаганларнинг яшаш жойларидаги прокурорлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишлари, воёга етмаганлар ота-оналарининг масъулиятини ошириш чораларини кўриши яхши самара беради.

Ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатлари

Бу даврда қилинган ишларни умумлаштириб айтиш мумкинки, республикада болалар соғлигини сақлаш ва профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, болаларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида эришилган илмий-назарий ва амалий ютуқлар, кўп йиллик қонун ижоркорлиги фаолияти натижалари бола соғлигини сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва уларни амалга ошириш принципларини ишлаб чиқиш имконини берди. Шунга кўра, бу соҳада қўйиладиган, яъни болаларнинг соғлиққа оид ҳуқуқларини ҳуқуқ ижоркорлиги йўли билан таъминлаш, давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, соҳалараро ҳамкорлик, худудлар бўйича ишлаш, профилактик чораларнинг устуворлиги ва оғир ижтимоий аҳволдаги болаларга эътиборнинг устуворлиги қабул қилинган сиёсатининг асосий йўналишларига айланган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, болаларнинг соғлигини сақлаш, умуман, болаларнинг ушбу ва бошқа ҳуқуқларини кафолатлаш масаласида марказий ўринни Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни эгаллайди. Қонун нормалари ва умумэтироф этилган соғлиқни сақлашга оид халқаро нормалардан келиб чиқса, бу жараёнда бола туғилганидан (неонатал босқич — 10 кунлик чақалоқ) ёшларнинг охиригача бўлган давр (16–23 ёш ораси) тўғри келади. Бу орада чақалоқлик (10 кун — 1 ёш), илк болалик (1–3 ёш),

биринчи болалик (4–7 ёш), иккинчи болалик (8–12 ёш), ўсириллар (12–16 ёш) каби даврлар ҳам кирди. Юқоридаги Қонуннинг амал қилиши бола туғилганидан балоғатга етгунга қадар (18 ёш) даврлар учун тааллуқлидир.

Қонунда болаларнинг соғлиқни сақлашга оид ҳуқуқлари кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси нормасига асосланган. Жумладан, Қонуннинг 8-моддасида давлатнинг соғлом боланинг туғилиши ва ривожланишини таъминлаш учун шароит яратиши кафолатланган. Шунингдек, қонуннинг 11, 16, 20 ва 21-моддаларида республика болаларининг ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш, ўзига тегишли ахборотлар олиш, меҳнат қилиш ва дам олиш билан боғлиқ бўлган жараёнларда соғлигини асраш давлат томонидан кафолатланган.

Бундан ташқари, қонуннинг 22-моддасида давлат томонидан боланинг соғлиққа бўлган ҳуқуқлари қуйидаги воситалар асосида кафолатланган, яъни бепул тиббий ёрдам олиш, соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онага унинг соғлигини сақлаш шароитларини яратиш; болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил қилиш, боланинг, унинг ота-онасининг саломатлигини назорат қилиш ва болалар касалликларни профилактикаси, болалар ва ўсирилларни даволаш-профилактика муассасаларида диспансер кузатувини олиб бориш ҳамда даволаш, боланинг физиологик хусусиятлари ва соғлиги ҳолатига жавоб берадиган таълим олиш

ҳамда меҳнат қилиш шароитларини яратиш, касба яроқлигини аниқлашда бюджет ҳисобидан бепул тиббий маслаҳат бериш, санитария-гигиена таълими бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва рағбатлантириш, соғлиқнинг ҳолати тўғрисида бола учун қулай бўлган тарзда зарур ахборотни тақдим этиш. Шунингдек, мазкур модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларида ун тўрт ёшдан катти бўлган бола маълумотларини билган ҳолда тиббий аравашувага ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уни рад этиш ҳуқуқига эга эканликлари ва бола билан унинг ҳаётига, соғлиги ва нормал ривожланишига зийн етказувчи ҳар қандай илмий тажриба ёки бошқа экспериментлар ўтказиш тақиқланган ҳақидаги нормалар ифодаланган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиш механизми эса "Баркамол авлод йили" Давлат дастурига ўз ифодасини топган. Дастурдан асосий мақсад соғлом ва илғор фикрловчи ёш авлодини тарбиялаш, уларнинг оиладаги буюк мақсадларга эришишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришдир. Дастурдан болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъриий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизimini такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизimini устувор ривожлантириш, тиб-

бий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосида соғлом авлодни воёга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш каби бир қатор масалалар ўрин олган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, юқоридаги Дастурда ёшларнинг, воёга етмаганларнинг камолотга эришишига қаратилган нафақат назарий, маърифий ва маънавий чоралари кўрсатилган, балки уларнинг реал тарзда амалга оширилиши учун қатъ ҳажмда молиявий манбалар ҳам белгиланган. Яъни Дастурнинг ижро этилиши учун 7898,03 млрд. сўм ва 165,43 млн. АҚШ доллари ажратилиши белгиланган.

Юртимизда мустақилликнинг илк даврлариданоқ бола ҳуқуқлари, хусусан болаларнинг соғлиғига эътибор кучлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиш ҳақида"ги Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси халқаро умумэтироф этилган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилган эди. Ушбу Конвенцияда болаларнинг умумий ҳуқуқлари билан биргаликда, уларнинг ҳаёти, соғлиги ҳам иштирокчи давлатларнинг масъулиятига эканлиги таъкидланган. Жумладан, Конвенциянинг 2-моддасига биноан, иштирокчи давлатлар ўз юрисдикцияси доирасида бўлган ҳар бир бола учун барча ҳуқуқларини, ҳеч қандай камситишларсиз, ирқ, танга ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа этиқоқлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб


Алишер ҲАЗРАТКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Амалий
қонун ҳужжатлари мониторингинг
институтини еткази илмий ходими

чиқиши, мулкый аҳволи, боланинг соғлиги ва туғилиши, унинг ота-онаси ёки қонуний васийлари ёки бирор-бир бошқа ҳолатлардан қатъий назар, ҳурмат қиладилар ҳамда таъминланиладилар.

Бундан ташқари, воёга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор норматив ҳужжатлари мавжуд бўлиб, улардаги тегишли нормаларда воёга етмаганларнинг соғлигини таъминлашга оид аъзо давлатларнинг мажбуриятлари мустаҳкамланган. Хусусан, Воёга етмаган шахсларга нисбатан судловни амалга оширишга оид Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минимал стандарт қондалари (Пекин қондалари)нинг 13.5-бадида жиноят содир этганликда айбланаётган воёга етмаганларнинг қамоқда сақланиш даврида уларга жинси, ёши, шахсининг ўзига хосликларидан келиб чиқувчи ижтимоий, иқтисодий заруратлар таъминланиши лозим. Яъни, воёга етмаган шахсга зарурий ҳолатларда тиббий ёрдам ҳам кўрсатилиши лозимдир. Юртимизда ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши нафақат бундай ҳужжатларнинг тўлиқ ва тўғри имплементацияси, балки болалар соғлигини сақлашда мезон ва амалий йўлнамга бўлиб хизмат қилади.

Симобли лампа — ўта хавфли чиқинди

Бугунги кунда экологик муаммолар инсониятнинг нафақат соғлиғига, балки ҳаётига ҳам таҳдид соляпти. Атроф-муҳитнинг ифлосланишига бир неча омиллар таъсир кўрсатадики, шулардан бири чиқиндилардир. Улар нафақат атмосфера, ҳатто инсонларнинг заҳарланишига сабаб бўлади.



К.ЖАББОРОВ,
Бухоро шаҳар прокурори ўринбосари
М.ШАҲРИЕВ,
Бухоро шаҳар табиати
муҳофазаси қилиш инспекцияси
бош мутахассиси

Бухоро шаҳар прокуратураси томонидан соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда вилоят Халқ таълими, Ўрта махсус касб-хунарсиз таълими, Соғлиқни сақлаш бошқармалари тизимидаги муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрь кундаги қорхоналарнинг таркибида симоб моддаси бўлган лампа ва асбобларини утилизация қилиш борасидаги 405-сонли Қарори ижроси таҳлил қилинганда бир қатор нуқсонлар аниқланди. Чунинчи, муассасалар ва ташкилотларда симобли лампаларнинг ҳисоби юритилмаган, улар лозим даражада тўплаб қўйилмаган, утилизация масаласи ҳал қилинмаган. Ваҳоланки, қуйган симобли лампалар заҳарлиги туфайли ўта хавфли тоифадаги чиқиндилар рўйхатида киритилган.

Хозирда яққол сезилаётган иқлим ўзгаришлари, тупроқ деградацияси, ичимлик суви танқислиги, чиқиндиларнинг кўпайиб бориши каби муаммолар бизни оғохликка ундайди. Атроф-муҳитга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришни тақозо этади.

Ўз келажиги ҳақида қайғураётган давлатлар табиати асраш, экологик муаммоларни бартараф этиш борасида турли чора-тадбирларни кўламоқда. Сингапурда асфальтга тупурган киши 1000 доллар жарима тўлайди. Белгияланмаган жойда сигарет тутатган нақд 500 долларга тушади. Туркияда эса сигарета қолдигини йўлга ташлаган киши бир ойлик маошдан маҳрум бўлади. Демак, атроф-муҳит тозаллиги ва ободонлиги, табиат муҳофазаси биз инсонларнинг экологик маданиятига ҳақиқатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлик сиёсати Конституция, қонунчилик, миллий хавфсизлик концепцияси, атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш бўйича халқаро конвенциялар ва шартномалардан ҳамда етакчи давлатларнинг қонунчилик соҳасидаги тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилади. Атроф-муҳит тозаллигини сақлаш, экотизимни бузмаслик борасида табиатдан ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, кам чиқитиш технологиялар жорий қилиш ва хусусан чиқиндиларни қайта ишлаш улардан ресурс сифатида фойдаланиш ҳам иқтисодий, ҳам экологик томондан афзаллиги аниқланди. Бирок инсон таваққури ўзгармаса, унда тева-рак-атрофдаги нарсаларга маъсу-улик ҳисси бўлмаса, чекловлар-у тақиқларнинг самара бериши маҳол экан.

Яроқсиз ҳолга келган симобли лампаларда массасининг тахминан 0,02 фоизига тенг симоб мавжуд. Эътиборсизлик билан синдириб ахлатқонлар ёки тўғри келган жойга ташланган симобли лампалар атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўлибгина қолмай, одамларни оғир касалликларга чақинтириши мумкин ва ҳатто ўлим даражасига олиб келади. Юқорида қайд этилган қарорнинг 2-бандида табиати муҳофазаси қилиш идораларининг руҳсатсиз қорхоналар томонидан таркибида симоб бўлган лампа ва асбобларни мустақил равишда утилизация қилиш ҳамда зарарсизлантириш катъий ман қилинган. Ўзбекистон Республикаси "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонунининг 15-моддасида ресурс аҳамиятига эга бўлган ушбу турдаги чиқиндиларни махсус идораларга қайта ишлаш, утилизацияга топшириш лозимлиги қайд этил-

ган. Бу тартибни бузган фуқаро ва мансабдор шахслар МЖКнинг 91, 95-моддаларига асосан энг кам иш ҳақининг 7 бараваригача жаримага тортилади.

Текширишлар натижасига кўра юқорида қайд этилган муассасалар мансабдор шахсларига таркибида симоб моддаси бўлган, яроқсиз ҳолга келган лампаларни утилизация қилиш тартибини бузганликлари учун жарима чоралари қўлланилди.

Республикамизда табиати муҳофазаси қилиш жамғармасини моддий қўллаб-қувватлаш эвазига 5 минг АҚШ доллар миқдорда микрокредит асосида таркибида симоб моддаси бўлган лампа ва асбобларни қайта ишлаш, утилизация қилишга ихтисослашган "АСЛ Селта" қорхонаси ташкил этилиб, лампалардан 99,5 фоиз симоб ажратиб олиниши мумкин бўлган қурилмалар Навоий, Андижон вилоятлари ва Бухоро шаҳридаги "Ситора ТК" ҳузурида ташкил этилди. Мазкур технология асосида ҳар йили 35-40 минг дона лампалар утилизация қилинади.

Симобнинг таъсири остида касалланиш ёки ўлим ҳолати содир этилганида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Табиати муҳофазаси қилиш Давлат қўмитаси томонидан 2007 йил 18 июнда 01-930-сон билан келишилган тартибга кўра жиноий жавобгарлик чоралари кўриш учун ҳужжатлар прокуратура органларига юборилади.

«Ишонч телефони»га ишонч ортмоқда

Иноят МУҲАММАДИЕВ,
Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи вазифини бажарувчи

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат тузилишини демократлаштириш, хусусий мулкни, тадбиркорлик, кичик бизнес манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш борасида зарур қадамларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Фуқаролар, аynикса тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда Давлат солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги идораларида жорий этилган "Ишонч телефон"ларининг ҳам ўзи ўрин бор. Тадбиркорларнинг муносабатлари кичик муддатда, қонун талаблари асосида кўриб чиқилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Масалан, жорий йилнинг 5 февралда Хатирчи туман Қавоқ кишлоғида яшовчи Н.Мирзанов мурожаати асосида вилоят ДСБ ходимлари томонидан мазкур тумандаги Чинобод маҳалласида жойлашган "PROMSERVIS UMID" хусусий фирмасига қарашли АЁКШда қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Текшириш натижасида АЁКШ оператори С.Шералиев харидорга сотган 5 литр АИ-80 ёқилги учун 5600 сўм нақд пулни назорат касса машинасига урмаганлиги ва харид чекини бермаганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат 2010 йил 1 январдан бошлаб АИ-80 бензин ёқилгисининг нархи 1065 сўм бўлганлигига қарамадан у ҳар бир литр ёқилгига 55 сўмдан устама нарх қўйиб харидорга сотаётганлиги аниқланди.

Навоий шаҳар Л.Толстой кўчаси 4-уй 54-хонадонда яшовчи фуқаро Р.Хайруллиннинг мурожаатига асосан Навоий шаҳридаги "Шаҳар савдо маркази"да жойлашган "AFSONA-MARJONA" хусусий қорхонасига қарашли дўконда қисқа муддатли текшириш ўтказилганда дўкон сотувчиси Д.Шодмонова томонидан харидорга 4000 сўмга харид чеки берилмаганлиги ва кириш ҳужжати, сифат сертификатсиз 536000 сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган ноозик-овқат товарлари билан савдо қилинаётгани аниқланди.

Юқорида тилга олинган ҳолатлар бўйича тегишли қонуний жавобгарлик чоралари белгиланди, айбдорлар жазосини олди. Кундалик ҳаётда шу каби ҳолатларга дуч келганимизда, бундай ишга қўл ураётганлар шайхсий манфаатини уйлаб жамият ва халқ манфаатларини, қонун нормаларини поймол қилаётганликлари кишида нафрат ҳиссини уйғотмоқда. Шу ўринда айтмоқчиманки, ўзини шу юрт фарзанди деб ҳисобловчи ҳар бир одам, унинг қонун-қоидаларини ҳурмат қилишига мажбур.

Ҳаваскор «ҳуқуқшунос»

Мамлакатимизда истиқдолнинг маънавий йилларидан болаларга ҳамхўрлик давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб келмоқда. Кам таъминланган, серфарзанд оилалар моддий қўллаб-қувватланаёпти. Уларнинг фарзандлари барча тенгдошлари қатори бекам-кўст таълим олишлари, касб-хунарсиз асосларини эгаллашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида фарзандларимиз маънавий ва жисмоний етуқ инсонлар бўлиб етиштирилиши учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш вази-фалари белгилаб берилди ва амалга оширилмоқда. Хусусан, туманимизда ташкил этилган "Баркамол авлод мажмуаси" ўсирилариинг сеvimли масканига айланмоқда. Улар дарсдан кейинги бўш вақтларида турли тўғарақларга қатнаб, ўзлари қизиққан машғулотлар билан банд бўлишмоқда.

Туман прокуратураси таълимга, ижтимоий ҳимояга оид қонулар ижросини таҳлил қилиб бориш жараёнида аниқланган қонунибузилиш ҳолатларини бар-

тариф этиш ва олдини олиш чораларини кўриш билан бирга, болаларнинг тўлақонли билим олиш борасидаги ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилмоқда. Мақтаб ва коллежларда педагог этикисини юксак қадрлайдиган, шиддатли даврдан ортда қолмай, малакаларини ошириб бориб болаларга мукамал билим беришга интилаётган устозлар кўпчилигини ташкил қилади. Бирок, беш қўл баробар бўлмаганидек гирромлик билан таълим бериш "ҳуқуқ"га эга чиққан "ҳаваскор" ўқитувчилар ҳам онда-сонда учраб қолмоқда.

Информатика мураккаб фанлар сирасига кириди. Математика, физика каби ўзаро боғлиқ аниқ фанларни мукамал эгаллаган кишигина ушбу фандан дарс бера олиши мумкин. Шаҳартепа агро-ноат коллежида болаларга педагогик касб билан яроқ, фан хусусида чала-чулпа, гира-шира тасаввурга эга "ўқитувчи" икки йил мобайнида информатикадан сабоқ бериб келган. Информатика фани ўқитувчиси Д.Султонова қалбаки дипломини тақдим этиб, ишга жойлаштишга муваффақ бўлган бўлса-да, 2007 йилда Фарғона Давлат университетини математика ва информатика йўналишида би-

Рауфжон АХУНОВ,
Оқунбобоев туман прокурорининг
ката ёрдамчиси

тирганлар орасида унинг исм-фамилияси топилмади. Шунингдек, университетнинг алоҳида китобида унинг дипломи қайд этилмаган эди. Ҳийлакор "ўқитувчи" икки йил мобайнида болаларга "эртак" айтиб бериб юриб, 5,5 млн. сўм иш ҳақи олишга эришган. У етказган маънавий зарар - қўлида ўқиб, саводсиз бўлиб қолган болаларга етказган зарарнинг ўлчови йўқ!

"Хотин арик" маҳалласида яшовчи Нуруллаҳон Мусахўжаев ҳам ўзининг вояга етмаган фарзандларига гирромлик, аллов, ҳийлакорликдан "сабоқ" берган. Ёлғон-яшиқ билан пул топиш борасида "ибрат" кўрсатган. Болаларига "сўраганларга дадам "ҳуқуқшунос" бўлиб ишлайди дейсизлар", деб ўқитган. Аслида муқим иш жойи бўлмаган Н.Мусахўжаев фарзандлари учун нафақа олиш мақса-лида МФЙга гўё истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятида ҳуқуқшунос лавозимини ишлаш, ушбу лаво-



зимда йил мобайнида ойма-ой олган маошининг миқдори ҳақида қалбаки ҳужжатларни тайёрлаб, хотини М.Мусахўжаева номидан аризага қўшиб тақдим этган.

Қалбаки ҳужжатлар билан 2009 йилнинг 6 ойи ва жорий йил 6 ойи мобайнида жами 500 минг сўмдан зиёд нафақа пулларини олишга эришган.

Ҳужжатларни қалбакилаштириб, улардан фойдаланган "ҳаваскор ўқитувчи" ва "ҳаваскор ҳуқуқшунос"га нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш

Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Қатор ислохотлар амалга оширилиб, улар қаторида коррупцияга қарши курашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов коррупцияни мамлакатимиз хавфсизлигига солинаётган асосий таҳдидлардан бири сифатида кўрсатиб: "Мамлакатимизнинг келажagini ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эса тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, куч-ғайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тўқис фойдаланишини орзу қиладиган ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчи оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим" лигини таъкидлайди.

Ўзбекистон жиноят қонунчилигида коррупцияга оид жиноятлар белгилаб, улар

га қарши курашувчи органлар тизими шаклланди. Ушбу кураш Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йил 7 июлда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясининг ратификация қилиниши билан янги босқичга кўтарилди. Чунки мазкур Конвенция коррупцияга қарши кураш борасида халқаро ҳамжамият томонидан узоқ йиллар давомида ишлаб чиқилган нормаларни мужассамлаштирган. Ушбу ва коррупцияга қарши кураш борасидаги бошқа халқаро ва минтақавий ҳужжатларни ишлаб чиқишда АҚШ фаол иштирок этиб, унинг қонунчилигида ушбу ҳужжатлардаги нормалар ихроси атрафлича тартибга солинган.

АҚШ ва бошқа давлатларда коррупцияга қарши курашнинг муҳим воситаси бўлган даромадлар тўғрисидаги декларация асосида солиққа тортиш институти муқтарам Президентимиз Ислам Каримов имзолаган янги тахрирдаги Солиқ кодексига атрафлича тартибга солинди. Ушбу институт Солиқ кодексининг 34-боб, 189-194-моддаларида жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларини декларациялаштириш коррупцияга қарши курашнинг асосий устуларидан бирига айланмоқда. Ушбу институт Бирлашган Миллатлар Ташкило-

тининг Коррупцияга қарши конвенциясида белгиланган бўлиб, уни амалга оширишда АҚШ бой тажрибага эга.

Даромадларни мажбурий декларациялаштириш кишиларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаши ҳақида қўлаб фикрлар мавжуд. Буни АҚШ ва Россия мисолида кўриш мумкин.

АҚШнинг айрим мансбдор шахслари ўз даромадларини мажбурий декларация қилиш талабини инсоннинг конституциявий ҳуқуқларини чеклайди деб ҳисоблаб, АҚШ Олий судига шикоят қилишган. Бироқ Суд давлат хизматчиларининг софлигини уларнинг шахсий ҳаётлари махфийлигидан устун деб топиб, декларация қилишини конституцияга мувофиқ ҳисоблади.

Россиянинг собиқ Президенти Б. Ельцин ўз даврида коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунни имзолашдан бош тортиб эди. У қонунда мансбдор шахсларнинг оила аъзолари даромадларини декларация қилишини инсон ҳуқуқларига қарши деб ҳисоблаган. Натижада Россия учун умумий қонда шукки, камбағал мансбдор шахсларнинг капитали геометрик прогрессия бўйича "орбит бориши" уларнинг жуда бой ва номалум қариндошларининг "таъминлашидандир".

Ойбек МИРТЕМИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

АҚШда мансбдор шахслар ўз молиявий манфаатларини махсус анкеталарда декларация қилишлари лозим. Анкетада манфаатлар тўқнашувини яшириш учун ёлгон маълумотларни кўрсатишнинг ўзи ҳам АҚШ Қонунлар тўплами 18-титул 1001-моддасида қўзда тутилган жиноят ҳисобланади. АҚШ Адлия Департаменти бўлим бошлиқларининг бири қайд этишчи, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик "ҳуқумат билан иш олиб борадиганларга нисбатан адолат ва тенг муносабатда бўлиш, ҳуқумат буюртмаларини бажаришда самаралорлик ва иқтисод асосий тамойиллар бўлишини, давлат мансаби ва хизмат маълумотларидан шахсий фойда олиш мақсадида фойдаланмаслиқни" қафолатлаши лозим. Ушбу нормаларни Ўзбекистон қонунчилигида инобатга олиш даромадлар декларациясини янада самаралироқ амалга оширишга хизмат қилади.

Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати

Сирожиддин УСМОНОВ,
Бош прокурорнинг
ОҚШ тингловчиси

Республикаимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахририда қабул қилиниши муҳим амалий аҳамият касб этди. Унга қўра, Конституциянинг 118-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган "Ўзбекистон ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширилади", деган ваколат янада ривожлантирилди ва мазмунан бойитилди.

Қонунда прокуратура органлари ходимларининг масъулияти ва жавобгарлигини оширишга қаратилган қатор янги нормалар ўз ифодасини топди. Эндиликда прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари бўлиб қўзғатилган жиноят ишлари сони эмас, муайян ҳудуддаги қонунийлик ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланмоқда.

Истиқдод йилларида прокуратура органлари мустақил давлатимизнинг суянчи ва таянчига айланди, деб ишонч билан айтишимиз мумкин. Гарчанд, Конституцияда қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартибни мустаҳкамлаш вазифаси давлатнинг бир нечта органларига юклатилган бўлса-да, булар ичида прокуратура органлари алоҳида ўрин тутди. Бугун прокуратура органлари ислохотлар билан баб-баравар, баҳамжиҳат қадам ташлаб, прокурорлик назорати ёрдамида қонунлар, Президент Фармонлари ва Ҳуқумат Қарорларининг бажарилишига яқиндан ёрдам кўрсатиб, мамлакатимизда қонун устуворлигининг таъминланишига салмоқли ҳисесини қўшиб келмоқда.

Ислохотлар жараёнида муҳим босқич саналган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиликлар мамлакат тараққиётида алоҳида ўринга эга. Бу жараёнда халқаро ҳуқуқ нормалари ўрганилди, олимлар, малакали ҳуқуқ-

шунослар, соҳада назарий ва амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар фикрлари таҳлил қилинди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат функцияларини амалга оширувчи барча органларнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари қайта кўриб чиқилди. Судларнинг жиноий, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди. Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми такомиллаштирилди, бунда уларнинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоялаш ваколатларининг кучайтирилишига устувор аҳамият берилди. Жиноят ишларини тергов қилиш, шахсни ҳибсда ушлаб туриш, ишларни судларда кўриб чиқишнинг янги тартиби ва қатъий муддатлари белгиланди.

Бу жараёнлар айниқса, 2001 йилда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунда ёрқин ифодасини топди.

2007 йил 11 июлдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан қамоққа олишга санкция бериш ваколати судларга ўтказилди.

Амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган барча ҳаракатлар инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, фуқароларнинг Консти-

туцияда қафолатланган ҳуқуқларининг сўзсиз таъминланишига эришишга йўналтирилган.

Маълумки, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун Конституция қабул қилинган кундан бир кун кейин қабул қилинган эди. Бу бежиз эмас, чунки бундай қонунсиз, конституциявий талабларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириб бўлмас эди.

Мазкур қонун давр талаблари асосида такомиллаштириб берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чакўриқ олтинчи сессиясида, яъни 2001 йил 29 августда янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун учинчи ўқишда қабул қилинди.

Давлат органлари тизимида прокуратура органлари ўзининг махсус ўрнига эга бўлиб, бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик каби принципларга таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизим ташкил этилди.

Демократик жараёнларни ўз ичига қамраб олган янги қонунда прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми такомиллаштириш, мақсад ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш ва ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатларини кучайтиришга устувор аҳамият берилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов: "Яна ва яна такрорлаб айтмоқчиман: прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча, унга хизмат қилмоғи даркор. Прокуратура ваколати доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтан назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур", - деб

таъкидлаган эди.

Маълумки, бугунги кунда прокуратуранинг содда қилиб айтганда, "қораловчилик" вазифалари асосан фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш томонида ўзгаририлди. Фуқаролар прокуратуранинг назорат предметдан чиқарилди. Қонунга "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат" деган янги боб киритилиб, унда назорат предмети, прокурор ваколатлари ва прокурорнинг судга даъвоси тартибга солинди. Шу тариқа прокуратура ҳуқуқий демократик жамиятнинг шахс манфаатлари ҳимоясига хизмат қиладиган органи тарихида намоеъ бўлди.

Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ давлатимиз прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат эканлиги белгиланди.

Қонуннинг 4-моддасига биноан эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш прокуратура органларининг асосий йўналишлари доирасига киритилди.

Прокурорлар қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича ўз ваколатларини бажариш билан бирга давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари ва мансбдор шахсларнинг қонунийлик асосида ҳаракат қилишларини куза-

тиб қурадилар.

Прокуратура органлари томонидан мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганлиги, муносабати билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига муҳофазасини таъминлашга қаратилган фаолиятда янги давр бошланди, дейишимиз мумкин.

Айниқса, аҳолининг кам таъминланган ва моддий ёрдамга муҳтож қатламини қўлаб-қувватлаш борасида қонунийликнинг тўлиқ таъминланишига, иш ҳақидан қарздорликка барҳам бериш, бандликка қўмақлашиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганларга ёрдам бериш, касалчилик асосида фуқароларнинг бандлигини таъминлашга оид ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёллар, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни меҳнатга жалб этишга оид қонунчилик талаблари ижросига эътибор кучайтирилди.

Жорий йилнинг Юртбошимиз ташаббуси билан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинганлиги прокуратура органлари зиммасига ҳам янада масъулиятли вазирфалар юкломда. Қабул қилинган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижроси, шунингдек, вояга етмаган ва ёшларга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат кучайтирилди.

Нафсим менинг балодир...

Аёнки, инсон умри лавомила ҳасадчию мунофиқ, ёлгончию фирибгар ва каззоб кимсалар таъқибига учраши мумкин. Фаҳм-фаросатли одам ақл-идроки билан бундай кимсалардан ўзини муҳофаза эта олади. Бироқ, нафс борасидан бундай фикр юритиб бўлмайди.

Чунки, гоҳ кулларидаган, гоҳ йиғлатадиган, гоҳида югуртирадиган ҳам нафс ҳисобланади. У туйфайли кўпинча инсон турли кўнгилсизликларини бошидан кечиради. Кимдир ўзганинг мол-дунёсига кўз олайтириб, жонига қасд қилса, яна кимдир фириб бериб, қабих ниятига етишмоқликни истайди. Айримлар эса нафсларига қул бўлганликлари боис, кўра-била туриб, ўзларини чоғга ташлайдилар. Қўйидаги воқеа ҳам айнан нафс деган бало туйфайли аловга учиб, оқибатда бойликларини ўз қўллари билан фирибгарлар қўлга тутқазган соддадил фукралар ҳақида.



Мирзоид ОБИДОВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг
ўринбосари

оламиз. Фақат тез...

— Қандай бўларкин? Эгаси топилб қолса-чи?

— Шунинг учун ҳам тез дейяман. Гапимга тушунмаяпсизми? Нима, шунча пулдан қуруқ қоламизми?

— Вой, нега? Мен розиман, укажон. Кўп экани ишқилиби?

— Ие, шунча пул осмондан тушгандек қўлингизга келиб турибди-ку, яна қанча дейсиз-а? Қўрқманг, тенг ярмини берман. Биров келиб қолмасдан, юринг, панароққа ўтайлик...

Улар хали четроққа ўтмасларидан Николай пайдо бўлди.

— Узр, суҳбатингларни бўлиб қўйдим. Шу атрофдан пул топмадингларми? Йўқотиб қўйдим.

Сергей билан аёл шошиб "Йўқ" дея жавоб беришди.

— Ундай бўлса, — у Сергейга қаради, — сал нарида бир аёл мени кутиб турибди. Унинг айтишича, сизга ўхшаган бир йигит ердан пулни, нимадир олибди. Сиздан илтимос, мен билан ўша аёлнинг ёнига бориб келсангиз. Агар сизни танимаса, яна йўлингизда кетаверасиз.

— Гап йўқ. Сиз кетаверинг, мен ҳозир...

У йигитни жўнатиб, қўлидаги пулни дастрўмолига маҳкам қилиб турди-да, ёнида анқайганча турган аёлга берди.

— Пуллар сизда туратурсин. Фақат, мен келгунча қочиб кетмаслигингизга ким қафолат беради? Шошманг-чи, гаров сифатида тилла тақинчоқларингизни менга беринг. Қайтиб келганимдан кейин оласиз.

Аёл шошганча тилла занжир билан узукларини ечиб берди. Сергей муолишда Николай билан учрашган заҳоти жуфтани ростлади. Тилла тақинчоқлар кўп ўтмай янги эгалар қўлига ўтди. Сотувдан келган маблағ икки оғайни ўртасида тенг бўлинди. Сергейни кутиб, чарчаган аёл, дастрўмолни ечди...

Орадан кўп ўтмай у ҳам тегишли идорага арза билан кирди.

Бир ҳафталардан кейин "хаммас"лар Белтепа мазе-сида пайдо бўлишди. Бу сафар ҳам ўша, олдиндан режалаштирилган "сценарий" бўйича иш олиб боришди. Сергей тай-ёрланган "кукла"си билан "ўлжа"сининг йўлига кўз тикди. Николай эса бир четда уни кузатиб турди. Яна аввалгидек ҳолат такрорланди. Содда аёлга "кукла"ни тутқазди, унинг тилла тақинчоқларини қўлга киритган Сергей билан Николай ўша кунлик бозорга тушиб, уларни сотиб юборишди. Аёл бўлса қўлида "1700 АҚШ доллари"ни ушлаганча Сергейни кутиб тураверди...

Ҳўш, воқеа нима билан туғади, дерсиз? Хеч бир жиноят жазосиз қолмаганидек, алдов билан бировларнинг бойлигига кўз олайтирган Сергей Жилин билан Николай Богдановлар қўлга олиниб, тегишли жазога қўрилдилар.

Орадан бир ойна вақт ўтгач, улар яна учрашишди.

— Ҳўш, қалайсан энди Колька?

— Юрибман, тупроқдан ташқарида. Узинг-чи?

— Э-э, ўша-ўша, янгилик йўқ. "Соққа" аллақачон тугаган. Нима қиламиз, яна "ов"га чиқамизми?

— Гап йўқ.

Бу сафар Дўмбиробод томонга боришни режалаштиришди. Эртасига эрта билан манзилга боргач, келишилганидек, Николай йир четда қолди. Сергей эса навбатдаги "ўлжа"ни кута бошлади. Ниҳоят, ишга киришди.

Ёнидан ўтиб кетаётган йигитнинг бир тахлам пул топиб олганини кўргач, бу аёлнинг ҳам эси чиқиб кетаёзди.

— Кечирасиз опа, сизнинг пулингиз эмасми?

— Йў-ў-ўқ...

— Унда сир бой берманг. Агар хўп десангиз, бўлишиб

— Ростданми? Кўрсат-чи.

— Кўймадинг-кўймадинг-да, — у шундай деб, чўнтагидан бир даста доллар чиқарди. Пулларни кўрган Николай хўш-так чалиб юборди.

— Шунча долларни қаердан олдинг?

— Эй, овсар! Шуниям тушунмадингми? Мана бу "кукла" бўлади. Бўпти, олдин ишни битирайлик, қолганини кейин кўраверасан. Ҳозир йўлга чиқишимиз керак...

Улар Шайхонтохур туманидаги маҳаллалардан бирига келишгач, вазиятни ўрганишди. Бироздан кейин Сергей Николайга ишора қилди. Дарҳақиқат, йигирма метрлар узокликда бир аёл кўриниб, ўша жойдаги дўконга кириб кетди. Бироздан кейин чиқиб йўлида давом этар экан, Сергей унинг орқасидан йўл олди. У тез-тез юриб, аёлдан ўтиши биланок, тўсатдан тўхтади-да, энгашди.

Сўнг қўлида бир боғлам пул билан аёлга юзланди. Бу ишни у шу даражада усталик билан амалга оширди-ки, аёлнинг назаридан йигит ҳақиқатан ҳам ердан пул топиб олгандек бўлиб кўринди. Сергей унга пулни кўрсатар экан, аёлнинг кўзлари чакнаб кетди. Ахир йигитнинг қўлидаги резинка билан ўралган бир даста доллар эди-да! Ана шу ерда нафс илк бор бош кўтарди.

— Жим, — деди йигит шивирлаб, — биров эшитмасин. Бўлишиб оламиз.

Бу пайтда нафс аллақачон ўз ишини бошлаган эди. Шунинг учун ҳам аёл йигитнинг гапини эшитгач, нима дейишни билмай, шошиб қолди. Сўнгра билинар-билинмас бошини кимирлатиб, розилик аломатини билдирди.

— Юринг, эгаси келмасдан четга ўтайлик, — Сергей шундай дея уни четроққа, дўкон орқасига бошлади.

— Буни қаранг, анчагина экан, — улар одам кўзидан пана жойга ўтишгач, гап бошлади Сергей. — Камида 5-6 минг бўлса керак-а? Нима қиламиз, эгасини кутмай, бўлишиб қўяқоламизми? Нима дедингиз?

Сергей шундай дея қўлидаги пулни кўрсатиб, аёлнинг кўзини ўйната бошлади. Худди шу пайт, осмондан тушгандек, яна бир йигит пайдо бўлди. У ховлиқанча, кўзлари олазарак бўлиб у ёқ-бу ёқни қарар экан, уларга юзланди:

— Кечирасизлар, шу атрофда резинка билан боғланган бир даста пулни тушириб қолдирибман, мабодо кўрмадингларми? ..Доллар эди.

— Йўқ, Кўрмадим, — Сергей шундай деб, у ёқ-бу ёқни қарган бўлди. Пулни йўқотган йигит энди аёлдан сўради:

— Сиз-чи, сиз ҳам кўрмадингизми?

— Йўғ-а?..

— Жин урсин, кичкина пул эмас, нақ 7200 доллар-а! Энди нима қилдим? Шошманг, — у Сергейга қаради, — ҳозиргина бир аёл худди сизга ўхшаган одам ердан нимадир олганини айтди. Сиздан илтимос, мен билан юринг. Ўша аёл сизни кўрсин.

— Нимага сиз билан боришим керак? Мендан гумон қилаяпсизми?

— Гумон қилаётганим йўқ. Фақат ўша аёл сизни танидим-ми, йўқми, шуни билмоқчиман, холос. Олмаган бўлсангиз, нимага чўчиаяпсиз?

Шу гаплардан кейингина Сергей у билан боришга рози бўлди-да, унга қараб, — Сиз бориб, ўша аёлни тўхтатиб туринг. Мен бу кишига, — у боши билан аёлга имо қилди, — телефон рақамини берману ортингиздан бораман.

Бегона йигит улардан узоклашиши билан Сергей аёлни четга тортиди:

— Қанақа одамсиз ўзи? Ўйлагунигизча ана, эгаси пайдо бўлди. Бўлмаса-чи, бундай қиламиз.

У ёнидан дастрўмол олиб, пулни маҳкам қилиб боғлади-да, аёлга тутқазди. — Агар пул билан борсам, олиб қўйишарди. Мабодо қочиб кетмайсизми?

— Вой, бу нима деганингиз? Сиз бориб келаверинг. Мен шу ерда сизни кутиб тураман, — жавоб берди аёл ховлиқанча.

Унинг гапидан кейин Сергей икки-уч қадам узоклашди шартта тўхтади.

— Шошманг, сизни танимасам, билмасам. Ҳозир кетишим билан сизни қочиб қолмайди деб ким "гарант" бўлади? Шунча бойликни ишониб кетавераманими? Ўзи пулни топган мен бўлсам... Йўқ, бунақаси кетмайди. Менга ҳам "залог" сифатида нимадир беришингиз керак. Ана, тақинчоқларингизни беринг...

Аёл шоша-пиша бўйнидаги занжир билан икки узугио зиркаларини ечиб, йигитга узатди. Сергей тақинчоқларини

Хаммаси икки "дўст"нинг учрашувидан бошланди. Ўша кунни иш қидириб, "Фарход" бозори ёнида юрган Сергей (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг енгидан кимдир тортиди. Қараса, Николай ишайганча, кучоқ очиб турибди.

— Колька, бормисан, ўртоқ? Қўришишди.

— Оббо, сен-эй, овозликда маза қилиб юрибман дегин? — четроққа ўтишгач, гап бошлади Сергей.

— Ха, ўзинг-чи, қачон чикдинг?

— Ўтган йили ёзда. Сендан уч ойча кейин. Ҳўш, гапир, нима ишлар қилиб юрибсан? Ишга жойлашдингми ишқилиб?

— Сантехник бўлиб ишга кирганман. Куним амаллаб ўтиб турибди. Узинг-чи?

— Ҳозирча бекорчиман...

Улар шу йўсинда яна бироз суҳбатлашгач, бир-бирларининг телефон рақамларини ёзиб олиб, хайрлашди. Орадан бир ойча ўтгач, Сергей кўнгирак қилиб, учрашишни таклиф қилди. Эртаси кунни "Фарход" бозори яқинида учрашишди.

— Менга қара Колька, сен ҳар қалай ишингни топибсан. Мен бўлсам ҳалиям бекорчиман. Ёнингга беш-ўн сўм бўлмаса, қийин экан. Нима дединг? Ё топишинг шунчалик зўрми?

— Бе-е, қаёқда? Тўғри, гоҳида ўхшаб қолади. Кўпинча у ойликдан бунисига етмайди. Ҳозирги одамлар ҳам анча хасис бўлиб кетишган. Анча ишини қилиб берсанг ҳам, қўлингга арзимаган чойчақа тутқазишарди.

— Унақа бўлса, ишлаб нима қиласан?

— Ие, ўзинг ҳозиргина ишинг бор, сенга маза дамаганимдигинг? Нега энди бунақа деяпсан?

— Менга-ку, фарқи йўқ. Аммо хоҳласанг, битта иш бор. Ўзим эпложмайман. Бир пайлар бу иш билан шугулланиб, кам бўлмаганим.

— Қанақа иш экан?

Сергей қисқача тушунтириш берган эди, Николай кулимсираганча рози бўлди.

— Фақат маҳалла томонларга борамиз. У ердаги аёллар анчагина содда бўлишарди. "Иш"имиз ҳам тез битида. Агар хўп десанг, ҳозирроқ бошлаймиз. "Кукла"ни тайёрлаб келганман.

— Унақа бўлса, ишлаб нима қиласан?

— Ие, ўзинг ҳозиргина ишинг бор, сенга маза дамаганимдигинг? Нега энди бунақа деяпсан?

— Менга-ку, фарқи йўқ. Аммо хоҳласанг, битта иш бор. Ўзим эпложмайман. Бир пайлар бу иш билан шугулланиб, кам бўлмаганим.

— Қанақа иш экан?

Сергей қисқача тушунтириш берган эди, Николай кулимсираганча рози бўлди.

— Фақат маҳалла томонларга борамиз. У ердаги аёллар анчагина содда бўлишарди. "Иш"имиз ҳам тез битида. Агар хўп десанг, ҳозирроқ бошлаймиз. "Кукла"ни тайёрлаб келганман.

— Унақа бўлса, ишлаб нима қиласан?

— Ие, ўзинг ҳозиргина ишинг бор, сенга маза дамаганимдигинг? Нега энди бунақа деяпсан?

— Менга-ку, фарқи йўқ. Аммо хоҳласанг, битта иш бор. Ўзим эпложмайман. Бир пайлар бу иш билан шугулланиб, кам бўлмаганим.

— Қанақа иш экан?

Сергей қисқача тушунтириш берган эди, Николай кулимсираганча рози бўлди.

— Фақат маҳалла томонларга борамиз. У ердаги аёллар анчагина содда бўлишарди. "Иш"имиз ҳам тез битида. Агар хўп десанг, ҳозирроқ бошлаймиз. "Кукла"ни тайёрлаб келганман.

— Унақа бўлса, ишлаб нима қиласан?

— Ие, ўзинг ҳозиргина ишинг бор, сенга маза дамаганимдигинг? Нега энди бунақа деяпсан?

— Менга-ку, фарқи йўқ. Аммо хоҳласанг, битта иш бор. Ўзим эпложмайман. Бир пайлар бу иш билан шугулланиб, кам бўлмаганим.

— Қанақа иш экан?

Сергей қисқача тушунтириш берган эди, Николай кулимсираганча рози бўлди.

— Фақат маҳалла томонларга борамиз. У ердаги аёллар анчагина содда бўлишарди. "Иш"имиз ҳам тез битида. Агар хўп десанг, ҳозирроқ бошлаймиз. "Кукла"ни тайёрлаб келганман.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг юридик мазмуни

Ҳуқуқий давлатни шакллантиришда ҳамда давлатнинг ҳуқуқий тизимини модернизациялаш жараёнида кўпгина базавий ҳуқуқ тармоқлари сингари солиқ ҳуқуқи ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бу ҳуқуқ тармоғи биринчи гада фуқаролар манфаатларининг мувозанатини таъминлашда ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Солиқ ҳуқуқи нормаларини амалда қўллаш ва улар бузилишининг олдини олишда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик нормаларини қўллаш муҳим ўрин тутadi.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир қилганлик учун юридик жавобгарликнинг асосида ҳуқуқий нормаларнинг талабларини бузишга қаратилган ҳуқуққа хилоф қилмиш ётади.

Ақсарият юридик адабиётларда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарликни қўллашнинг икки асоси кўрсатиб ўтилган: биринчидан, қонун - ҳуқуқий асос сифатида; иккинчидан, ноҳўя хатти-ҳаракат (ҳуқуқбузарлик) - фактик асос сифатида. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 106-моддасига биноан, солиқ тўловчининг ушбу кодексда жавобгарлик белги-

ланган ғайриқонуний қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

Ҳуқуқ назариясига кўра, ҳар қандай юридик жавобгарликнинг асосини - қонунга хилоф, айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), яъни ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарликлар ўзининг мазмуни, юридик ҳусусиятлари ва таркибига эга бўлиб, турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ҳуқуқбузарлик фуқаролар, жамият ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хавфни юзага келтирувчи хулқ-атвор бўлиб, у ајимий муносабатларнинг ривожланишига ўқтинлик қилади ва уларнинг бузилишига олиб келади. Ҳуқуқбузарлик қасдан ёки эҳтиётсизлик оқсидан содир этиладиган хулқ-атвор бўлиб, унинг натижасида жамият, давлат ва фуқаролар манфаатларига моддий ёки маънавий зарар етказилади. Ҳуқуқбузарлик ўрнатилган алоқ нормаларининг бузилишида намоён бўлади.

Иқтисодий муносабатларда содир этиладиган ва кўп учрайдиган ҳуқуқбузарлик кўринишларидан бири солиққа оид ҳуқуқбузарликлар.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар қуйидаги умумий ҳусусиятларга эга:

биринчидан, ҳуқуқбузарлик ијтимоий зарарли иллатдир. Уларнинг содир этилиши билан жамият ва фуқароларнинг ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига маълум бир моддий-маънавий зарар етказилади;

иккинчидан, ҳуқуқбузарлик қонун ҳужжатларига хилоф хатти-ҳаракатдир. Бундай хатти-ҳаракатларни содир этиш қонун ҳужжатлари билан тўғридан-тўғри тақққланган.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда, одатда, молиявий жазо санкцияларидан фойдаланилади. Мазкур санкциялар бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва қонунийликни таъминлаш вазибаларини бажарши;

учинчидан, солиққа оид ҳуқуқбузарлик қилмиш бўлиб, муайян ҳаракатларни қилиш (мисол учун, СКнинг 114-моддасида кўзда тутилган "Кирим қилинмаган товарларни сўқлаш ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш") ёки тегишли ҳаракатларни амалга оширмастик (масалан, СКнинг 113-моддасида кўзда тутилган "Давлат солиқ хизмати оранда ҳисобга туришдан бўйин товлаш")га ифодаланиши мумкин;

тўртинчидан, ҳуқуқбузарликда айбнинг мавжудлиги. Ҳуқуқбузарлик қасдан ёки

У. СУННАТОВ,
ОУҚ тингловчиси

эҳтиётсизлик оқсидан содир этиладиган онгли, иродали қилмиш ҳисобланади.

Юридик адабиётларда, икки термин - "ҳуқуқбузарлик" ва "бузиш" тушунчалари қўлланилади. Бузиш ҳуқуқ нормалари талаблари бузилишини ёки унга риоя этилмаганлигини англатади. У ҳуқуқбузарликдан фарқи равишда, тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи ҳуқуқий нормаларнинг бузилишида намоён бўлади. Бундай хатти-ҳаракатлар муомалага лаёқатсиз, ақди норасо, ўз ҳаракатларининг оқибатини тушуна олмайдиган шахслар томонидан содир этилса, айбиз ҳисобланади. Ҳуқуқбузарлик эса ҳуқуққа хилоф, айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Содир этилган хатти-ҳаракат учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган тақдирдагина, бундай хатти-ҳаракатлар ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг юридик ҳусусиятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш уларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутadi.

Қонун устуворлиги жамият таянчидир

Сул-ҳуқуқ соҳасида амалга ошириладиган илчил ислоҳотлар, уни тақомиллаштириш юзасидан қабул қилинаётган қонунлар, ҳусусан, суд ва бошқа органлар қарорларининг ижроси билан боғлиқ масала ўзининг долзарблиги билан ақрибди туради. Чунки, суд ҳужжатининг ижросининг таъминланмаслиги одил судловга бўлган ишонччи йўқотади ҳамда фуқаро, давлат ва жамият манфаатларига пугур етказилади.

Шу боис ижро иши юриштиши, айни чоғда Суд департаменти фаолиятини янада тақомиллаштириш мақсидида "Ижро иши юриштиши тақомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинишига асос бўлган.

Бу жараёнда нафақат ижро тўғрисидаги қонунга, мазкур фаолиятни тартибга солишга қаратилган кодекс ҳамда қонунларга ҳам суд қарорларининг сўзсиз бажарилишини, мансабдор ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини оширилишини, ижро иши юриштиши тақомиллаштирилишини таъминлайдиган янги ҳуқуқий нормалар киритилди. Масалан, суд қарорларини бажармаганлик ёки унинг бажарилишига ўқтинлик қилганлик учун муқдддан фақат мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласи кўрилган бўлса, Жиноят кодексининг янги таҳририда 232-моддаси 1-қисмига мувофиқ, унинг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш мақсидида жисмоний шахсларнинг ҳам жиноий жавобгарлиги белгилаб қўйилди.

Фақатгина бундай жавобгарлик вуқудда келиши учун мансабдор шахс ёки фуқаро МЖТКга янгидан киритилган 198-модда асосида аввал маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши керак. Яъни, қарздорнинг ижро ҳужжатини унинг ихтиёрий равишда ижро этилиши учун белгиланган муддатда уэрсиз сабабларга кўра ижро қилмаслик ёки унинг зиммасига юкланган муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини уэрсиз сабабларга кўра суд ижрочиси белгиланган муддатда ижро этмаслик жавобгарликка тортишга асос бўлади.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ижро ҳужжатлари бўйича ундирув биринчи навбатда қардорнинг сўма ва чет эл валютасидаги пул маблағларига ҳамда бошқа қимматликларига, шу жумладан банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги пул маблағларига ҳамда ўзга қимматликларига қаратилади. Шунга мувофиқ ҳамда хатланган мол-мулкнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш мақсидида, банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан хатланган пул маблағлари билан банк операцияларини амалга оширганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш билан боғлиқ жиноятлар юзасидан ўз вақтида жиноят ишлари қўзғатилиши ва дастлабки тергов ҳаракатлари ўқазилишини таъминлаш мақсидида қонун билан Суд департаментининг алоҳида мансабдор шахсларига суриштирувни амалга ошириш ҳуқуқи берилган.

Айни чоғда шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишининг процессуал тартибига риоя қилиб, тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсидида қонуннинг 82-моддасидаги талаблар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўйрилган ва у суд ижрочисининг қонуний талабларини бажармаганлик учун жавобгарликни назарда тутадиган 198-модда билан тўқдирилган. Суд департаменти органларига маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима тариқсидидаги маъмурий жазо қўллаш ҳуқуқи берилган.

Қардорнинг мамлакат ҳудудидан ташқарига чиқиб кетиши унинг ижросини сезиларли даражада қийинлаштириши эътиборга олиниб қонун бунин вақтинчалик чеклаш тартибин белгилайдиган алоҳида модда билан тўқдирилган.

Амалий шунини кўрсатадики, ижро ҳужжатларининг самарали ва ўз вақтида ижро этилиши суд ижрочиларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Хорижий мамлакатларнинг мажбурий ижро органларидан фарқли равишда, суд ижрочиларининг давлат органлари, кредит ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро

ҳамкорлиги тўқалигича шаклланмаганлиги эътиборга олиниб, қонуннинг 21-моддасида суд ижрочиларининг давлат органлари, кредит ва бошқа ташкилотлар билан бўладиган муносабатларига янада аниқлик киритилди. Ҳусусан, суд ижрочилари ўз зиммаларига юклатилган вазибаларини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга ошириши қайд этилди.

Ички ишлар органлари, Ўзбекистон Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, давлат солиқ хизмати органлари, газначилик органлари, Давлат чегарасини қўриқлаш органлари Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлашнинг кўмаклашуви органлар сифатида белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, суд ижрочиларининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигининг бошқа шакллари ҳам белгиланиши мумкин.

Татқиллаш жоизки, аввалги таҳрирдаги қонуннинг 48-моддасида фақатгина сўма ҳисобланадиган қарз ундирувнинг қарздорнинг чет эл валютасидаги пул маблағларига қаратиш тартибин белгиланганлиги эътиборга олиниб қонунга чет эл валютасида ҳисобланадиган қарз ундирувнинг қарздорнинг сўмдаги ёки бошқа чет эл валютасидаги пул маблағларига қаратиш тартибин белгиланганлиги бир қатор янги нормалар ҳам киритилди.

Уларга кўра, юридик шахснинг қарзлари бўйича, шу жумладан, унинг мол-мулки ижро ҳужжатлари талабларини ижро этиш учун етарли бўлмаган тақдирда, ундирув қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, суд ҳужжати асосида ушбу юридик шахс мулкдорларининг, муассасаларининг ва аъзоларининг (иштирокчилари) пул маблағлари ва мол-мулкига қаратилиши мумкин.

Қардорнинг ижро ҳужжатдаги талабларини ижро этиш учун етарли бошқа мол-мулки бўлмаган тақдирда, ундирув суд ҳужжати асосида қардорнинг масъулияти чекланган жамиятининг, кўшимча масъулиятли жамиятининг устав фондидаги (устав капиталдаги) улушига, тўлиқ ширкатнинг, ком-



Ф. АБДУВАЛИЕВ,
Бош прокураторнинг
бошқарма катта прокурори

мандит ширкатнинг устав фондидаги (устав капиталдаги) улушига, ишлаб чиқариш кооперативиди пайига қаратилади.

Қонуннинг ёки таҳририда ундирувнинг қарздорнинг мулкий ҳуқуқларига қаратиш тартибин назарда тутилмаган эди. Ижро даражасини ошириш мақсидида ундирувнинг қарздорга тегишли бўлган мулкий ҳуқуқларга қаратиш тартибин ҳам белгилаб қўйилган.

Мазкур нормага (48-модда) асосан ижро иши юриштиш доирасида ундирув қарздорга тегишли бўлган қуйидаги мулкий ҳуқуқларга қаратилиши мумкин:

- кўчмас мулкка бўлган узоқ муддатли ижара ҳуқуқи;
- ер участкасига доимий ёки умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи, ер участкасидан доимий фойдаланиш ёки узоқ муддатли ижара ҳуқуқи;
- интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларга;
- интеллектуал фаолиятнинг натижаларидан ва оддий мутлақ бўлмаган лицензия асосида лицензия сифатида қарздорга тегишли ўзига хос воситалардан фойдаланиш ҳуқуқи.

Бундан ташқари ушбу қонунга кўра мажбурий ижро чоралари сифатида ундирувнинг қарздорнинг дебиторлик қарзига қаратиш тартибин белгиланганлиги 48-модда ҳам киритилган.

Ундирувнинг қарздорга унинг дебиторидан амалда етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки қўрсатилган хизматлар бўйича тегишли бўлган пул маблағларига қаратиш қарздор томонидан унинг дебитори билан ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномаси тақдим этилган ҳолда амалга оширилади.

"Давлат бюджетни газначилиги тўғрисида"ги Қонун Газначиликнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини сўзсиз унди-

ришни тақққлади. Ушбу қонуннинг 13-моддасига кўра, пул маблағларининг суд қарори асосида кўчирилиши Газначилик томонидан Давлат бюджетига пул маблағлари назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақдаги пул маблағи ҳисобига амалга оширилади. Шу сабабли ундирувнинг Давлат бюджетига маблағларига қаратиш муассасаси пул маблағларига қаратиш тартибин алоҳида низом билан тартибга солиниши лозим бўлиб, ундирувнинг Давлат бюджетига маблағларига қаратиш муассасаларининг пул маблағларига қаратиш ҳусусиятларини белгиланган 48-модда билан тўқдирилган.

Қонуннинг ундирувнинг қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига қаратишга оид 49-моддаси башарти мол-мулкнинг қарздорга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжат ва маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, ундирувни ушбу мулкка ҳам қаратиш мумкинлиги тўғрисидаги қонинда билан тўқдирилган.

Унга кўра қардорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига қаратиш, суд ижрочисининг қарорига мувофиқ, ушбу мол-мулкнинг қарздорга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Шу ўринда айтиш лозимки, суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлаш — мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш демакдир. Бу эса, адалатпарвар жамият, ҳуқуқий-демократик давлатнинг асосий талабларидан биридир.

"Respublika Mulk-Auksioni" DK Фаргона филиали очик аукцион савдоларига таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси "Ер колексининг 7-27-моддалар, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора талбирлар тўғрисида"ги 3878-сонли Фармоишининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Қувасой шаҳри ҳокимининг 2009 йил 26 ноябрдаги 250-сонли, 2010 йил 11 мартдаги 90-сонли қарорларига асосан Дўстлик шаҳарчаси ҳудудида жойлашган ер майдонларидан ёш оилаларга яқка тартибда уй-жой қуриш мақсадида ва Фаргона вилоят давлат мулк бошқармасининг 2010 йил 18

майдаги 06-пр-сонли буйруғига асосан қуйидаги ер майдонлари аукцион савдосига қўйилади. 2010 йил 29 июнь куни соат 10:00 дан бошлаб бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидagi очик аукцион савдосига Қувасой шаҳри, Дўстлик шаҳарчаси, 235-контур ҳудудидан мерос қилиб қолдириш шарти билан яқка тартибда уй-жой қуриш учун майдони 400 м² иборат 106 та ер майдонлари қўйилади. Ҳар бир ер майдонини бошлангич баҳоси 86 000 сўм. Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар 2010 йил 27 майдан бошлаб ҳар куни, (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) "Respublika Mulk-

Auksioni" DK Фаргона вилоят филиалида (Фаргона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй, 1-қават, 50-хона) қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан уч кун олдин (2010 йил 25 июнь соат 10:00 да) тўхтатилади. Ушбу савдода сотилмай қолган ер майдонларининг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 5, 12 июль кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида голиб бўлиб белгиланган муддатда олди-сотди шартномасини тузмаган талабгорларнинг ер майдонлари бўйича такрорий аукцион савдолари 2010 йил 12, 19, 26 июль кунлари соат 10:00 да ўтказилади. Аукцион савдолари Қувасой шаҳри ҳокимлиги биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб объект бошлангич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" DK Фаргона вилоят филиалининг "Халқ банки" Фаргона вилоят амалиёт бўлимидаги МФО:00497, ИНН: 206761326, 2021000004537599011 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашлари шарт. Қўшимча маълумот олиш манзили: 150100, Фаргона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 43 уй, Фаргона вилоят "Матлуботсавдо" АК биноси, 1-қават 48-50 хона, Тел/факс (8 373) 229-70-20, 224-51-74. Email: info@mulk.uz

"Respublika Mulk-Auksioni" DK Андижон вилоят филиали очик аукцион савдоларига таклиф этади

2010 йил 29 июнь соат 10:00 дан бошлаб бошлангич баҳоси ошиб бориши тартибидagi очик аукцион савдосига Вазирлар Маҳкамасининг 343-сонли Қарорига асосан автотранспорт воситалари қўйилади. Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмаси Чинобод шифохонасига қарашли Чинобод қишлоғи, Навоий кўчаси 10 уйда жойлашган 1989 йилда и/ч, раңги хаки "УАЗ-396201", д/р 60 692 ВАА, бошлангич баҳоси 2 421 817 сўм; 1986 йилда и/ч "УАЗ-315201", д/р 60 685 ВАА, бошлангич баҳоси 1 599 612 сўм. Андижон вилоят сил касаллиги санаторийсига қарашли Асака тумани, "Неъматобод" МФИда жой-

лашган 1990 йилда и/ч раңги оқ "ВАЗ-2121", д/р 17 АН 138, бошлангич баҳоси 1 074 410 сўм. Андижон вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси Автокорхонасига тегишли Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси 5 уйда жойлашган 1990 йилда и/ч раңги оқ "УАЗ-3962", д/р 17 А1 500, бошлангич баҳоси 1 864 390 сўм; 1995 йилда и/ч "ГАЗ-31023", д/р 17 АГ 945, бошлангич баҳоси 1 633 666 сўм. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо ўтказилишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Ушбу кунда сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2010 йил 6, 13, 20, 27 июль ва ҳафтанинг

ҳар сешанба кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Талабгорлар закалат келишуви тузилганидан объект бошлангич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" DK Андижон вилоят филиалининг ТИФ "Миллий банк" Андижон вилоят бўлимининг 20210000 404537599003, МФО 00074, СТИР 206761 326 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт. Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: 170100, Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 30 уй Тел/факс: (8 374) 298-04-01 www.mulk.uz Email: info@mulk.uz

дони бўйича 6, 13, 20, 27 июль кунлари соат 12:00 дан бошлаб такрорий аукцион савдолари ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига 3 (уч) кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоси Бухоро шаҳри, Муस्ताқиллик кўчаси, 10 уй, вилоят ДМК бошқармаси биносига ўтказилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг ер майдонлари бошлангич баҳосининг 15 фоизи миқдорда закалат пули "Respublika Mulk-Auksioni" DK Бухоро вилоят филиали АТИБ "Ипотека банк" Сардор филиали МФО:00119, СТИР:206761326, 20210000204537599009 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Қўшимча маълумот олиш манзили: 200118, Бухоро шаҳри, Муस्ताқиллик кўчаси, 10 уй, 3-қават. Телефон: (8 365) 223-69-62, факс: 770-04-01

"Respublika Mulk-Auksioni" DK Бухоро вилоят филиали очик аукцион савдоларига таклиф қилади

2010 йил 29 июнь соат 12:00 дан бошлаб бошлангич баҳоси ошиб бориши тартибидagi очик аукцион савдоларига қўйилади ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи чиқарилган: Гиждувон тумани, "Бобур" МФИ ҳудудидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун 400 м² иборат 15-сонли ер майдони, бошлангич баҳоси 1 260 000 сўм. Ушбу кунни сотилмай қолган ер майдонлари бошлангич баҳосининг 15 фоизи миқдорда закалат пули "Respublika Mulk-Auksioni" DK Бухоро вилоят филиали АТИБ "Ипотека банк" Сардор филиали МФО:00119, СТИР:206761326, 20210000204537599009 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

дони бўйича 6, 13, 20, 27 июль кунлари соат 12:00 дан бошлаб такрорий аукцион савдолари ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига 3 (уч) кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоси Бухоро шаҳри, Муस्ताқиллик кўчаси, 10 уй, вилоят ДМК бошқармаси биносига ўтказилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг ер майдонлари бошлангич баҳосининг 15 фоизи миқдорда закалат пули "Respublika Mulk-Auksioni" DK Бухоро вилоят филиали АТИБ "Ипотека банк" Сардор филиали МФО:00119, СТИР:206761326, 20210000204537599009 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

шириш керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган такдирда 2010 йил 15, 30 июль кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига такроран қўйилади. Қўшимча маълумот олиш манзили: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 6 қават. 623-хона. Тел/факс (8372) 771-62-22. E-mail: info@mulk.uz

қўшимча маълумотлар ва савдолар учун "Aktiv Broker" DK мурожаат қилишнинг мумини. Тел.: 233-27-19, 233-38-69, Email: aktiv_broker@mail.ru, www.gkitorg.uz, Манзила: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй; ДМК Наманган вилояти, тел.: 8 (3692) 26-13-17, 26-44-39.

"Respublika Mulk-Auksioni" DK Жиззах вилоят филиали очик аукцион савдоларига таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Жиззах вилоят бошқармасининг мурожаатига мувофиқ бошқармага қарашли бўлган Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46 уйда жойлашган 1995 йилда ишлаб чиқарилган қора раңг "Мерседес-Бенц 350 ДТ" русумли, давлат рақами 25/051AAA, техник носоз бошлангич баҳоси 9277000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 2010 йил 26 июнь соат 12:00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидagi аукцион савдосига қўйилганлигини маълум қилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун закалат тўғрисидаги келишувни имзолаган ва закалатни тўла-

ган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиш вақтидан уч соат олдин соат 9:00 да тўхтатилади. Аукцион савдолари Жиззах вилоят ДМК бошқармаси биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, объект бошлангич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" DK Жиззах вилоят филиали ДАТ "Асакабанк" Жиззах филиали МФО 00140, СТИР 206761326, 2021000004537599012 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топ-

шириш керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган такдирда 2010 йил 15, 30 июль кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига такроран қўйилади. Қўшимча маълумот олиш манзили: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 6 қават. 623-хона. Тел/факс (8372) 771-62-22. E-mail: info@mulk.uz

қўшимча маълумотлар ва савдолар учун "Aktiv Broker" DK мурожаат қилишнинг мумини. Тел.: 233-27-19, 233-38-69, Email: aktiv_broker@mail.ru, www.gkitorg.uz, Манзила: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй; ДМК Наманган вилояти, тел.: 8 (3692) 26-13-17, 26-44-39.

"Aktiv Broker" DK биржа савдоларига таклиф этади

Table with 6 columns: №, Мулкнинг номи, Баланс савдосининг номи ва манзили, Манзила, Давлат активининг қисқача тавсифи, Мулкнинг бошлангич нархи (сўм). Row 1: 1, "Учқўргонқурилиш" шўъба корхонасига қарашли "Ойхона" биноси, "Учқўргонқурилиш" ШК, Наманган вилояти, Учқўргон шаҳар, Чек маҳалласи, Муस्ताқиллик кўчаси, Наманган вилояти, Учқўргон шаҳар, Чек маҳалласи, Муस्ताқиллик кўчаси, Бино 1991 йилда ишга туширилган, эгалаб турган майдони 19,36 кв.м., бино ва иншоотлар майдони 19,36 кв.м., фундаменти бетон, деворлари пшанг гипшдан, томи шиферлигали, 1 548 650

Қўшимча маълумотлар ва савдолар учун "Aktiv Broker" DK мурожаат қилишнинг мумини. Тел.: 233-27-19, 233-38-69, Email: aktiv_broker@mail.ru, www.gkitorg.uz, Манзила: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй; ДМК Наманган вилояти, тел.: 8 (3692) 26-13-17, 26-44-39.

Эҳтиром дебочаси. Эл орасида эъзоз ва эҳтиромга эришиб, халқ назарига тушиш осон эмас. 30 йилдан ортиқ умрини мамлакатимиз қонунчилигини мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши куралишига бахшида қилган, бутун эса 75 ёшини қаршилаётган Шариф Раббимов ана шундай табаррук инсонлар сирасига кирди. 1967 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган Шариф Раббимов меҳнат фаолиятини Самарқанд шаҳар прокуратурасида иш ўрганувчиликдан бошлади. Кейинчалик Самарқанд шаҳар прокуратурасининг терговчиси, катта терговчиси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, Самарқанд туман прокурори, Жиззах вилоят прокуратураси бўлим прокурори, катта терговчи ва вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимларида хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. Меҳнат фаолияти давомида вазифасига талабчанлик билан ёндашган Ш. Раббимов ўзининг кўп йиллик амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга сафарбар этиб, қўллаб-қувватлаб тарбиялади. У кишининг фидокорона меҳнати, касбга садоқати, шунингдек, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибни мустаҳкамлашга қўнган ҳиссаси прокуратура органлари раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланди. Ҳозирда фарангчилари ва набирийлари қўрвиюбга қарилк гаштини сўраётган Шариф ақани табаррук ёши билан самимий муборакбод этиб, сийд-саюматлик, оилевий бахт, хонадонига тинчлик-осойишталик тилаб қоламиз.

Матонат соҳибаси. Матонатли инсон улуг ишларга қодир бўлади. Халқ ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлганлар, аввало кучли ирода ва матонат соҳибларидир. Ана шундайлардан бири прокуратура фахрийси Эмма Хачиян бугун табаррук 70 ёшини қарши олмақда. Эмма Павловна 1962 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатгандан сўнг Тошкент вилояти адвокатлар уюшмасида иш бошлади. 1966 йилдан Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим прокурори, Жиззах вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси, Ўрта Осиё транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси, Ўзбекистон прокуратурасида бўлим бошлигининг ўринбосари, Тошкент вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси, Республика прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим катта прокурори лавозимларида хизмат қилди. У киши қерда ишлагани, адолат нуқтани назаридан иш қурди. Қўллаб-қувватлаб таянганлар. Соҳа сирларини ёшларга эринмай ўргатди. Меҳнатсеварлиги, адолатпарварлиги, хушфелилиги, ишга талабчанлиги ва ташаббускорлиги билан эл назарига тушди. Эмма Павловнанинг фидокорона меҳнати, касбга садоқати, шунингдек, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибни мустаҳкамлашга қўнган ҳиссаси прокуратура органлари раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланди. Фурсатдан фойдаланиб, Эмма Хачиянни кўтулғу таваллуд ёши билан самимий муборакбод этиб, у кишига сийхат-саломатлик, хонадонига эса тинчлик ва осойишталик, бахт-саодат доимо ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ўтганларнинг охирати овод бўлсин! Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Бош прокуратура бўлим бошлиғи ўринбосари Абдор АҚРАМОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради. Фаргона вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Дилшоджон Қурбонова укаси ШУҳРАТЖОН ҚУРБОНОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Футбол ортидан ЖАРга...



Муҳим ўйиндан олдин футболчилардан бири ҳақамни ёнига келиб, — кўпам ҳуштак чалаверманг пулингиз бўлмайди — деб огоҳлантирган экан. Ҳазил!

Аслида эса пул ҳам (бу ҳақда кейинроқ) қизиқаран футбол бахслари ҳам бўлади, албатта. Миллионлаб футбол ишқибозларининг эътибори Африка қитъасининг жанубига қаратилган. Навбатдаги футбол байрамига айнан Жанубий Африка Республикаси мезбонлик қилмоқда.

терма жамоалар чемпионлик қувончи қандай бўлишини бир неча бор бошдан кечириш бахтига муяссар ҳам бўлганлар.

Аниқроқ айтганда, Бразилия — 5 марта (1958, 1962, 1970, 1994, 2002), Италия — 4 марта (1934, 1938, 1982, 2006), Германия — 3 марта (1954, 1974, 1990), Аргентина — 2 марта (1978, 1986), Уругвай — 2 марта (1930, 1950), Франция — 1 марта (1998), Англия — 1 марта (1966).

Бу рўйхатда балки сиз ишқибозлик қиладиган жамоалар йўқлигиндан бироз ранкиётандингиз?! Бироқ бир нарсани унутмайлик, баъзи давлатларнинг терма жамоалари учун жаҳон кубогини қўлга киритиш уёқда турсин чемпионатнинг ўзидан иштирок этишининг ўзи ҳақиқатдан ширин озулигига қолмоқда. Бу энди бошқа мавзу. ЖАР мезбонлик қилаётган чемпионатда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган Словакия (Чехия билан бир қаторда собиқ Чехословакия терма жамоасининг расман ҳуқуқий вояси) ва Сербия (Югославия, Сербия ва Черногория расман ҳуқуқий вояси) терма жамоалари учун ушбу мусобақа дебют ҳисобланади. Айни шу чемпионатда Кореянинг икки термаси, яъни КХДР ва Жанубий Корея иштирок этаётгани ҳам аввал кузатилмаган ҳолат. Умуман жаҳон кубогини бахсларининг тарихига назар солар эканмиз, бошқа баъзи бир қизиқарли маълумотларга тўхташасан ҳам фойдадан холи бўлмайди.

ЖЧ баҳсларида энг йирик ҳисоблар қайд этилган ўйинлар: 1954 йил Венгрия — Жанубий Корея 9:0, 1974 йил Югославия — Зоир 9:0, 1982 йил Венгрия — Сальвардо 10:1. Энг тез киритилган гол: Хакан Шукур, 11 сония, Туркия — Жанубий Корея 3:2, 2002 йил.

ЖЧ ўйинларида энг кўп иштирок этган ўйинчи: Лотар Матеус (Германия) 25 марта.

Энг яхши тўпсўра: Роналдо (Бразилия 1998 — 2006) 15 та гол. Бир мусобақада энг кўп гол муаллифи: Жюст Фонтен (Франция) 13 та гол, 1958 йил. Бир ўйинда энг кўп гол муаллифи Олег Соленко (Россия) 5та гол, 1994 йил. Афсонавий Пеле эса уч қарра (1958, 1962, 1970) жаҳон чемпиони ҳисобланади.

Терма жамоаларнинг гуруҳларда жойлаштиришга тўхташадан олдин қаминга учун ЖАР-2010 жаҳон чемпионатида қўллаётган энг эътиборли янгиликка тўхташасан! Йоҳим йўқ, Расийи манбаалар тарқатган хабарга қара, 10 июлдан 7 июлга қадар Йоханнесбург, Кейптаун, Дурбан, Блумфонтейн, Нелспрейт, Претори, Рустенбург, Порт-Элизабет ва Полокван шаҳарларида чекин таққилданади. ЖАРга ташриф бурган футбол ишқибозлари майдонга киришдан олдин тутунни аниқлашга мослаштирилган махсус тестдан ўтадилар.

"Агар муҳлис бундан бир неча кун аввал сизга чекини аниқлаш ва жаримага тортилади, деб хабар берган жаҳон чемпионатининг ташқилий қўмитасининг вакили Аарон Молсесбекли. — Биз жаҳон ҳамжамиятига чекин каби иллатга қатъий қарши туришимизни намойиш қилмоқчимиз. Сендими жамоага сизга сиз ҳам ишқибозлик қилса бўлади".

Футбол мусобақалари пайтида чекишга қарши курашини учун 23

мингдан зиёдроқ кўнгилдиллар жалб қилинган.

Ана энди бевосита қаҳрамонларимиз ҳақида гап юритамиз. ЖЧда 32 та эмас балки 33 та терма жамоа куч синашганда эди бемаъл улари худди эрталамда 33 та паҳлавон дея тасвирлашни бошлардик. Афсуски жамоалар 32 та бўлиб улар 8 гуруҳга тенг бўлинишган. Бир гуруҳда неча жамоа? Тўппа-тўғри!

Айнан қайси жамоалар гуруҳларидан чиқишларини фақат тахмин қилиш мумкин. Футбол ҳақидаги суҳбатларнинг энг ширали жойи ҳам айни тахминлар бўлгани сабабли биз ҳам бу борда ўз мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашамиз.

А гуруҳи — ЖАР, Мексика, Уругвай, Франция.

Мезбонлар турнир бошида устуликка эга бўлишларини унутмаслик лозим. Бунга асосий сабаб рақиб жамоалар янги муҳит, иқлим ва қолаверса, майдонга мослашилари керак. Бироқ маҳорат борасида Франция термаси Уругвай ва Мексикадан устунроқ. Шу сабабли Франция гуруҳдан биринчи ўринни эгаллаб чиқди, деган тахмин айни ўриндилар. Иккинчи ўрин учун эса Уругвай ва Мексика куч синашдилар.

В гуруҳи — Аргентина, Нигерия, Жанубий Корея, Греция.

Бу гуруҳда фаворит шубҳасиз Аргентина. Уйин маҳорати жуда юқори, жамоа таркибиде футбол юлдузлари ва энг асосийси Л.Мессининг мавжудлиги муҳим роль ўйнайди. Жанубий Кореянинг термаси ҳам эътиборга сазовор. Осонликча таслим бўлмайдиган ушбу жамоа бу йил жимийоний тарафдан бошқалардан устун ҳисобланади. Нигерияни ҳам эътибордан четда қолдириш хато бўлади. Нигерияликлар имкониятларини доим максимал ишлати биланган жамоа. Грекларда ҳам деярли муаммо йўқдай. Бу ерда асосий эътиборни уларнинг бош мураббийи Отто Регагелга қаратиш лозим. Тажрибали мураббий сюрпризлар намойиш этиши турган гап.

С гуруҳи — Англия, АКШ, Жапон, Словения.

Гуруҳда биринчи ўринни Англия эгаллайди. Мазкур чемпионатнинг фаворитидан бошқача натижани кутиш ҳам қийин, албатта. Гуруҳдаги қолган жамоаларнинг ўйинларида муваззаат йўқ. Шу сабабли ҳам уларнинг барчалари бир хил имкониятга эга. Шундай бўлса ҳам Словенияга омад қилиб боқиш мумкин.

Д гуруҳи — Германия, Австралия, Сербия, Гана.

Мазкур гуруҳда Германия ва Сербия ўртасидаги мurosасиз ўқнашувнинг гувоҳи бўламиз. Сизларни учрашувларида сербияликлар юқори даражали футбол намойиш этиб қувчи салоҳиятга эга термалигини иботлашди. Бироқ немисларнинг фелъ-атвори ва пухта тайёргарлигидан ҳақи ҳеч ким маҳрум қилган йўқ.

Е гуруҳи — Голландия, Дания, Япония, Камерун.

Гуруҳда "учар голландлар"нинг юқори парвоз қилишлари аниқ. Гуруҳдаги биринчи ўрин ҳам уларга насиб этса керак. Дания ҳам ўзига

яраша кучли. Умуман бу икки жамоа европада. Европа эса футбол моласини белгилайди. Бунинг устига иккала жамоа ҳам сунгги европа чемпионатидаги омадсизликдан сунг ўз устида пухта ишлади ва саралаш учрашувларида ўз гуруҳларида юқори ўринларни эгаллашди. Камерун термасини ҳам назардан чета қолдириб бўлмайди. Камерунликлар деярли ўйларида ўйнашди. Футбол ишқибозларининг таъбири билан айтганда: "Ўз ўйинида эса..." Хуллас, Камерун ҳам рақобатбардор жамоа.

Ғ гуруҳи — Италия, Парагвай, Янги Зеландия, Словакия.

Италия гуруҳда биринчи ўринни эгаллайди. Италия термаси кучли бўлгани учун эмас, балки гуруҳдаги бошқа жамоалар Италиядек бўлмагани учун шундай тахмин қилмоқдамиз. Парагвай билан Янги Зеландия термалари ҳақида кўп ҳам маълумотга эга эмасмиз. Бу билан ушбу термаларнинг Ўзбекистондаги учта-турта муҳлиснинг ранжитган бўлмас экан, албатта. Словенияга келсак, Греция термаси сингари ушбу жамоанинг бош мураббийи тажрибали мутахассис Владимир Войсез ўз сунгги айтиши тўғрисида.

Г гуруҳи — Бразилия, Португалия, Кот-д'Ивуар, КХДР.

Бразилия ва Португалия гуруҳдан худди эгизаклар сингари чиқишлари мумкин. Бироқ таркибиде Англиянинг номдор клубларида тўп сурувчи ўйинчилари бор Кот-д'Ивуар ҳам ҳурматга сазовор. Ушбу жамоа ҳам деярли ўз "маҳалласида" ўйнайди. Лекин барибир негадир биринчи ўринда Бразилия иккинчисида Португалия гуруҳдан олға кетадиганига ўхшаши.

Н гуруҳи — Испания, Швейцария, Гондурас, Чили.

Бу гуруҳда испанлар ва швейцарлар фаворит. Испания термасини баланд парвоз мактовларсиз муҳокама қилиш қийин, албатта. Айнан шу терма жамоа жаҳон кубогини қўлга киритгани деган муҳлисларни ҳам тушуниш мумкин. Мазкур термада чемпион бўлиш учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Швейцарларга келсак, бош мураббий Оттмар Хитцфельд швейцария нафақат шоколад, соатсозлик ва банк ишларини қўйиб қилишини, балки юқори даражада футболни ҳам намойиш қила олишини иботлаб берди. Ушбу терманинг гуруҳдан омад сизланишига шубҳа йўқ.

Гуруҳдаги беллашувлар борасида тахминларимиз шундан иборат. Насиб қилса келгуси сонда ЖЧ-2010 мусобақалари ўтказиладиган стадионлар, ўйинларни бошқарувчи ҳақамлар ва қайси терма жамоалар чемпионликка давогар эканлиги ҳақида мулоҳазаларни давом эттирамиз.

ТЕМҲҲЕК

нинг қоматини тасвирлайди. Жаҳон кубогининг пойга олтин ҳарфларда FIFA World Cup ёзуви битилган. Чемпионатда гойиб бўлган терма жамоаларнинг номлари кубонинг пастти қисмига йўниб ёзилди (масалан: 1978 Аргентина) ва соврин негизига жойлаштирилганда ёзувлар кўринмайди. 2006 йилга келиб кубокка 9 та чемпион мамлакатнинг номи битилган. Кубокда ёзувларга жой қолмаганидан сунг ФИФА қандай қарорга келиши ҳозирча номаълум. Бироқ жаҳон кубогини учун мусобақалар худди шу даражиде давом этса 2038 йилги чемпионатда гойиблар номи ни битишга жой хали етарли.

Энди чемпионатнинг, яъни унинг иштирокчиларининг зарбаларини ўзиде синиб кўрувчилар ҳақида қисқача маълумот. Терма жамоаларнинг дарвозабонларини эслашга шошманг. Ҳозир голкипер кубогини.



Футбол бўйича жаҳон чемпионати 1930 йилдан бери ўтказилиб келинади. Фақатгина 1942-1946 йилларда ушбу мусобақага танаффус берилган. Сабабини билишингиз керак?! Мазкур мусобақа жуда катта томошабинлар аудиториясига эга бўлиб баъзида олимпиада мусобақаларидан ҳам каттароқ қизиқчи ўйотгади. 1998 йилда қўлб қилинган жаҳон чемпионатини ўтказиш формуласига асосан саралаш учрашувларидан ўтган 32 терма жамоа 8 гуруҳга бўлинган ҳолда асосий, яъни финал босқичи ўйинларида иштирок этишади. Барча терма жамоаларда мақсад битта ФИФА жаҳон кубогини қўлга киритиш.

Мазкур кубок италиялик ҳайкалтарош Сильвио Гадзанижа чизмасига асосан тайёрланган бўлиб бўйи 36,5 см.ни ташкил қилади. Кубок 5 кг. 18-қаратли олтиндан асалган бўлиб пойи 13 диаметрдиги икки қатлам малахит тошдан ташкил топган. Совриннинг умумий оғирлиги 6,175 кг. Композиция ер шарини кўтариб турган икки киши-

лар эмас балки Adidas компанияси томонидан ЖЧ-2010 учун юқори технологиялар асосида махсус тайёрланган Jabulani (Жабулани) номи тўп назарда тутилмоқда. Жабулани сўзи ЖАРдаги расмий тиллардан бири зулус тилидан олинган бўлиб "тантанга қилиш" маъносини англатади. Мазкур тўп европанинг номдор "Реал Мадрид", "Челси" ва Мюнхеннинг "Бавария" каби футбол клубларининг машҳур аъзолари томонидан машқарда синилиб улгурган. Англия термасининг ярим ҳимоячиси Френк Лэмпард зарбаларининг аниқ чиқиши, Бразилиянинг ҳабекси Кака эса тўп босса билан яхши "келишишини" айтган.

Демак, олтиндан асалган кубок бор, замонавий материаллардан махсус асалган тўп "мени теп" деб турибди. Фақат қиройли ўйин намойиш этиб галабани қўлга киритиш қолди, ҳодос. Айтгандай, юқорида пул ҳақида гап кетганди. Мушук текинга, офтобга чиқмагандай терма жамоалар ҳам майдонга бепул тушинмайди. Жаҳон чемпионатида иштирок этаётган барча терма жамоалари 8 млн. доллардан, 1/8 финал босқичи иштирокчилари 9 млн., 1/4 босқичига — 18 млн., яъни финал учун — 20 млн., финал — 24 млн. га чемпионга 30 млн. доллар тўланади.

1930 йилдан бери ўтказилиб келинаётган ушбу нуфузли мусобақанинг гойиблари ҳам талайгиналиги аниқ, албатта. Қолаверса, баъзи



Huquq
yuridik gazeta
Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV
Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV,
Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib),
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilib shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma j-9516. 23 916 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi-dizayner: S. BOBOJONOV
Navbatchi muharrir: D. XALILOV
Navbatchi: O. DEHONOV

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda
Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonamanzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617